

**«Россия Федерацияси ҳудудида яшайдиган ва
мавжуд бўлган чет эл фуқароларига тиббий ёрдам
кўрсатиш: ҳуқуқий жиҳатлар»
Қўлланмаси**

Россия Федерацияси
Москва шаҳри
2015 йил

Мундарижа

I-бўлим	3
1. Асосий тушунчалар	3
2. Тиббий ёрдам кўрсатишнинг қоидалари	5
2.1. Шошилинч тиббий ёрдам	6
2.2. Мажбурий тиббий суғурталаш	6
2.3. Мажбурий тиббий суғурталаш полиси	7
2.4. Ихтиёрий тиббий суғурталаш	9
2.5. Мажбурий ижтимоий суғурталаш	9
2.5.1. Суғурталанган шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари	11
2.5.2. Вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақанинг миқдори	13
2.5.3. Вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақанинг миқдорини камайтириш учун асослар	14
2.5.4. Вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа тайинланмайдиган даврлар	14
2.5.5. Ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича нафақа билан таъминлаш	14
2.5.6. Фарзанд боқиш учун ойлик нафақа билан таъминлаш	15
2.5.7. Вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа, ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича нафақа, фарзанд боқиш учун ойлик нафақани тайинлаш, ҳисоблаш ва тўлаш	15
2.5.8. Вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа, ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича нафақа, фарзанд боқиш учун ойлик нафақани тайинлаш ва тўлаш тартиби	16
II-бўлим	18
1. Россия Федерациясида чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати	18
1.1. Чет эл фуқароларининг Россия Федерациясида вақтинча жойлашиши	18
1.2. Чет эл фуқароларининг Россия Федерациясида вақтинча яшаши	20
1.3. Россия Федерациясига виза олишни талаб қилмайдиган тартибда келган чет эл фуқароларининг вақтинча яшаши	21
1.4. Чет эл фуқароларининг Россия Федерациясида доимий яшаши	24
2. Чет эл фуқароларининг меҳнат муносабатларида иштирок этишининг шартлари	27
2.1. Чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлган ишчиларнинг меҳнатини тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари	28
2.1.1. Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ишчини вақтинча бошқа ишга ўтказишнинг хусусиятлари	30
2.1.2. Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ишдан четлатишнинг хусусиятлари	31
2.1.3. Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ишчи билан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг хусусиятлари	31
2.1.4. Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ишдан бўшатишда нафақани тўлашнинг хусусиятлари	32
2.2. Россия Федерациясига виза олишни талаб қилмайдиган тартибда келган чет эл фуқароларининг патент асосидаги меҳнат фаолиятининг хусусиятлари	33
3. ОИТВ юқумли касаллиги йўқлиги ҳақидаги сертификат	34
4. Чет эл фуқароларини Россия Федерациясидан депортация қилиш	35
5. ОИТВ касаллиги юққан фуқароларнинг жавобгарлиги турлари	37
III-бўлим	38
1. Тиббий дафтарча	38
2. Санитария-эпидемиология қоидаларининг бузилиши учун жавобгарлик	39
1-Илова Суғурта тиббий ташкилотини танлаш (алмаштириш) тўғрисида АРИЗА *(1)	40
2-Илова Яшаш гувоҳномасининг берилиши тўғрисида ариза*(1)	44
3-Илова Юқори малакали мутахассисга (унинг оила аъзоларига) яшаш гувоҳномасининг берилиши тўғрисида ариза тўғрисида ариза*(1)	48
4-Илова Ҳужжатнинг шакли – чет эл фуқаросининг яшаш гувоҳномаси	50
5-Илова Уларни бажаришда ишчиларнинг мажбурий дастлабки ва даврий тиббий кўриклари (текширишлари) ўтказиладиган ишларнинг рўйхати	54
6-Илова Оғир ишларда ва зарарли ва (ёки) хавфли ишлаш шароити бўлган ишларда банд бўлган ишчиларни мажбурий дастлабки (ишга кирганда) ва даврий тиббий кўрикларини (текширишларини) ўтказиш тартиби	66
7-Илова Шахсий тиббий дафтарчанинг шакли	74

I-бўлим

1. Асосий тушунчалар

Ушбу қўлланманинг мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалар ишлатилади:

1) **соғлиқ** – касалликлар, шунингдек организмнинг аъзолари ва тизимлари функцияларининг бузилишлари бўлмаган, инсоннинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий жиҳатдан яхши бўлган ҳолати;

2) **тиббий ёрдам** – соғлиқни тутиб туришга ва (ёки) тиклашга қаратилган ва тиббий хизматларни тақдим этишни ўз ичига олган тадбирлар мажмуи;

3) **тиббий хизмат** – касалликларнинг профилактикасига, диагностикасига ва даволашга, тиббий реабилитацияга қаратилган ва мустақил тугал аҳамиятига эга бўлган тиббий аралашув ёки тиббий аралашувларнинг мажмуи;

4) **тиббий аралашув** – тиббий ходим томонидан беморга нисбатан бажариладиган, инсоннинг жисмоний ёки руҳий ҳолатига таъсир этадиган ва профилактика, текшириш, диагностика, даволаш, реабилитацияга йўналтирилган тиббий текширувларнинг ва (ёки) тиббий муолажаларнинг турлари, шунингдек ҳомиладорликни сунъий олдириш;

5) **профилактика** – соғлиқни сақлашга ва мустаҳкамлашга қаратилган ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликлар юзага келиши ва (ёки) тарқалишининг олдини олиш, уларни илк даврида аниқлаш, уларнинг юзага келиши ва ривожланишининг сабаблари ва шартларини аниқлашни ўз ичига олган тадбирлар, шунингдек инсоннинг соғлиғига унинг яшаш муҳити омилларининг зарарли таъсирини йўқ қилишга қаратилган тадбирларнинг мажмуи;

6) **диагностика** – касалликлар ҳолатини таниб олишга ёки касаллик борлиги ёки йўқлиги ҳолатини аниқлашга қаратилган, беморнинг шикоятлари, унинг анамнез ва кўриб текшириш маълумотини йиғиш ва таҳлил қилиш, ташхис қўйиш мақсадида лаборатория, асбобли, патологик-анатомик ва бошқа хил текширишларни ўтказиш, беморни даволашга оид тадбирларни танлаш ва (ёки) ушбу тадбирларни бажариш устидан назорат қилишга қаратилган тиббий аралашувларнинг мажмуи;

7) **даволаш** – тиббий ходимнинг тайинлашига биноан бажариладиган, уларнинг мақсади беморнинг касаллиги ёки касалликлари, ёки турли ҳолатларининг намоеён бўлишини бартараф этиш ёки енгиллаштириш, унинг соғлиғини, меҳнат лаёқатини ва яшашининг сифатини тиклаш ёки яхшилаш бўлган тиббий аралашувларнинг мажмуи;

8) **тиббий ташкилот** – ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, асосий (устав) фаолият тури сифатида Россия Федерациясининг қонунчилиги билан белгиланган тартибда берилган лицензия асосида тиббий фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс. Тиббий ташкилотларнинг фаолиятини тартибга солувчи ушбу Федерал қонуннинг қоидалари ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, асосий (устав) фаолияти билан биргаликда тиббий фаолиятни амалга оширувчи бошқа юридик шахсларга ҳам тегишли бўлади ва бундай ташкилотларга тиббий фаолиятга тегишли қисмида қўлланади. Ушбу Федерал қонуннинг мақсадида тиббий ташкилотларга тиббий фаолиятни амалга оширувчи шахсий тадбиркорлар ҳам тенглаштирилади;

9) **тиббий ходим** – тиббий ёки бошқа маълумотга эга бўлган, тиббий ташкилотда ишлайдиган, ва унинг меҳнат (хизмат) вазибаларига тиббий фаолиятни амалга ошириш қирадиган жисмоний шахс, ёки бевосита тиббий фаолиятни амалга оширувчи шахсий тадбиркор бўлган жисмоний шахс;

10) **даволовчи шифокор** – беморни кузатиш ва уни даволаш даврида беморга тиббий ёрдамни ташкил этиш ва бевосита кўрсатиш вазибалари юклатилган шифокор;

11) **касаллик** – патоген омилларнинг таъсири билан боғлиқ ҳолда юзага келувчи организм фаолиятининг, ишлаш қобилиятининг, ташқи ва ички муҳитнинг ўзгарадиган шароитларига мослашиш қобилиятининг бузилиши ва шу билан бир вақтда организмнинг ҳимоя-компенсациялаш ва ҳимоя-мослашиш реакциялари ва механизмларининг ўзгариши;

12) **ҳолат** – патоген ва (ёки) физиологик омилларнинг таъсири билан боғлиқ ҳолда юзага келувчи ва тиббий ёрданинг кўрсатилишини талаб қилувчи организмнинг ўзгаришлари;

13) **асосий касаллик** – якка ўзи ёки асоратлари сабабли ишлаш қобилиятига, ҳаёти ва соғлиғига энг катта хавф солиши билан боғлиқ бўлиб тиббий ёрданинг биринчи навбатда кўрсатиш заруратини келтириб чиқарадиган, ёки ногиронликка олиб келадиган, ёки ўлимнинг сабаби бўладиган касаллик;

14) **қўшимча касаллик** – асосий касаллик билан сабаб-оқибат боғланиши бўлмаган, унга нисбатан тиббий ёрдамни кўрсатиш зарурлиги, ишлаш қобилиятига таъсир этиши, ҳаёти ва соғлиғи учун хавфи даражаси камроқ бўлган, ва ўлимнинг сабаби бўлмаган касаллик;

15) **касалликнинг ёки ҳолатнинг оғирлиги** – касаллик ёки ҳолат туфайли ёки уларнинг асорати туфайли келиб чиққан инсон организмнинг аъзолари ва (ёки) тизимларининг шикастланиши ёки уларнинг функцияларининг бузилишлари даражасини белгилаб берувчи мезон;

16) **тиббий ёрдамнинг сифати** – тиббий ёрдамнинг ўз вақтида кўрсатилишини, тиббий ёрдамни кўрсатишда профилактика, диагностика, даволаш ва реабилитация усулларининг тўғри танланганлигини, режалаштирилган натижага эришиш даражасини акс эттирувчи кўрсаткичларнинг жамулжамлиги.

17) **ОИТВ-юқумли касаллиги** – инсон иммун танқислиги вирус туфайли юзага келадиган сурункали касаллик;

18) **ОИТВ-юққан шахслар** – инсон иммун танқислиги вирус юққан шахслар.

19) **ЖИЮК** – жинсий йўл билан юқадиган касалликлар.

20) **мажбурий тиббий суғурталаш** – давлат томонидан яратиладиган, суғурта ҳолати юзага келганда мажбурий тиббий суғурталашнинг ҳудудий дастури доирасида ва ушбу Федерал қонун билан белгиланган ҳолатларда мажбурий тиббий суғурталашнинг негиз дастури доирасида суғурталанган шахсга мажбурий тиббий суғурталашнинг маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдамни бепул кўрсатишнинг кафолатларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий чора-тадбирларнинг тизимидан иборат бўлган мажбурий ижтимоий суғурталашнинг тури;

21) **суғурта ҳолати** – юз берган воқеа (суғурталанган шахснинг касаллиги, жароҳати, соғлиғининг бошқа ҳолати, профилактика чоралари), унинг юзага келганида суғурталанган шахсга мажбурий тиббий суғурталаш бўйича суғурта таъминоти тақдим этилади;

22) **суғурталанган шахс** – унга 2010 йил 29 ноябрдаги № 326-ФЗ сонли «Россия Федерациясида мажбурий тиббий суғурталаш тўғрисида» Федерал қонунига мувофиқ мажбурий тиббий суғурталаш амал қиладиган жисмоний шахс;

23) **чет эл фуқароси** – Россия Федерациясининг фуқароси бўлмаган ва чет эл давлатининг фуқаролиги (мансублиги) мавжудлигининг далил-исботларига эга бўлган жисмоний шахс;

24) **фуқаролиги бўлмаган шахс** – Россия Федерациясининг фуқароси бўлмаган ва чет эл давлатининг фуқаролиги (мансублиги) мавжудлигининг далил-исботларига эга бўлмаган жисмоний шахс;

25) **миграцион карта** – Россия Федерациясига келаётган ёки келган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс тўғрисида ва уларнинг Россия Федерациясида вақтинча жойлашишининг муддати тўғрисида маълумотларни ўз ичига олган, Россия Федерациясига виза олишни талаб қилмайдиган тартибда келган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Россия Федерациясида вақтинча жойлашиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган, шунингдек чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Россия Федерациясида вақтинча жойлашиши устидан назорат қилиш учун хизмат қилувчи ҳужжат;

26) **вақтинча яшаш рухсатномаси** – чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг яшаш гувоҳномасини олиш пайтигача Россия Федерациясида вақтинча яшаш ҳуқуқини тасдиқлаш, у чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатидаги белги шаклида, ёки Россия Федерациясида унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатига эга бўлмаган фуқаролиги бўлмаган шахсга бериладиган белгиланган шаклдаги ҳужжат шаклида расмийлаштирилади. Вақтинча яшаш рухсатномаси электрон ҳужжат шаклида берилиши мумкин эмас;

27) **яшаш гувоҳномаси** – чет эл фуқаросига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга уларнинг Россия Федерациясида доимий яшаш ҳуқуқини, шунингдек уларнинг Россия Федерациясидан эркин чиқиш ва Россия Федерациясига кириш ҳуқуқини тасдиқлаш учун берилган ҳужжат. Фуқаролиги бўлмаган шахсга берилган яшаш гувоҳномаси айни пайтда унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлади. Яшаш гувоҳномаси электрон ҳужжат шаклида берилиши мумкин эмас;

28) **Россия Федерациясида қонуний жойлашган чет эл фуқароси** – ҳақиқий яшаш гувоҳномаси, ёки вақтинча яшаш рухсатномаси, ёки виза ва (ёки) миграцион картасига эга бўлган, ёки Россия Федерациясининг Федерал қонуни билан ёки халқаро шартномаси билан кўзда тутилган, чет эл фуқаросининг Россия Федерациясида бўлиш (яшаш) ҳуқуқини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар;

29) **Россия Федерациясида вақтинча жойлашган чет эл фуқароси** – Россия Федерациясига виза асосида ёки виза олишни талаб қилмайдиган тартибда келган, ва миграцион картани олган, лекин яшаш гувоҳномаси ёки вақтинча яшаш рухсатномасига эга бўлмаган шахс;

30) **Россия Федерациясида вақтинча яшайдиган чет эл фуқароси** – вақтинча яшаш рухсатномасини олган шахс;

31) **Россия Федерациясида доимий яшайдиган чет эл фуқароси** – яшаш гувоҳномасини олган шахс;

32) **чет эл фуқаросининг меҳнат фаолияти** – чет эл фуқаросининг Россия Федерациясида меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (хизмат кўрсатиш) бўйича фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида ишлаши;

33) **депортация** – чет эл фуқаросининг Россия Федерациясида кейинги бўлиши (яшаши) учун қонуний асослари йўқ бўлган ёки тугатилган ҳолда, унинг Россия Федерациясидан мажбуран чиқариб юборилиши;

34) **Вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги ҳолатида ва она бўлганлиги сабабли мажбурий ижтимоий суғурталаш** – давлат томонидан яратиладиган, вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги ҳолатида ва она бўлганлиги сабабли мажбурий ижтимоий суғурталаш бўйича суғурта ҳолати юзага келганлиги туфайли маҳрум бўлган иш ҳақини (тўловларни, ҳақларни) ёки қўшимча харажатларни компенсация қилишга қаратилган ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий чора-тадбирларнинг тизими;

35) **вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги ҳолатида ва она бўлганлиги сабабли мажбурий ижтимоий суғурталаш бўйича суғурта ҳолати** – юз берган воқеа, унинг юз бериши билан суғурталовчининг, айрим ҳолларда, суғурта қилдирувчининг суғурта таъминотини амалга ошириш мажбурияти юзага келади;

36) **вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги ҳолатида ва она бўлганлиги сабабли мажбурий ижтимоий суғурталашнинг маблағлари** – вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги ҳолатида ва она бўлганлиги сабабли мажбурий ижтимоий суғурталаш учун суғурта бадалларини тўлаш ҳисобидан шакллантириладиган пул маблағлари, шунингдек суғурталовчининг тезкор бошқарувида бўлган мол-мулк;

37) **вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги ҳолатида ва она бўлганлиги сабабли мажбурий ижтимоий суғурталаш учун суғурта бадаллари (қуйида – суғурта бадаллари)** – суғурта қилдирувчилар томонидан Россия Федерациясининг Ижтимоий суғурталаш Фондига суғурталанган шахсларнинг вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги ҳолатида ва она бўлганлиги сабабли мажбурий ижтимоий суғурталашни таъминлаш мақсадида тўланадиган мажбурий тўловлар;

38) **ўртача иш ҳақи** – суғурта қилдирувчи томонидан суғурталанган шахснинг фойдасига ҳисобот даврида тўланган иш ҳақи, бошқа тўловлар ва ҳақларнинг ўртача суммаси, ундан келиб чиққан ҳолда вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа, ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича нафақа, фарзанд боқиш учун ойлик нафақа ҳисобланади, вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги ҳолатида ва она бўлганлиги сабабли мажбурий ижтимоий суғурталашга оид ҳуқуқий муносабатларга ихтиёрий киришган шахслар учун эса – федерал қонун билан суғурта ҳолати юз берган санасига белгиланган иш ҳақининг минимал миқдори ҳисобланади;

39) **патент** – Россия Федерациясига виза олишни талаб қилмайдиган тартибда келган чет эл фуқаросининг (2002 йил 25 июлдаги № 115-ФЗ сонли «Россия Федерациясида чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида» Федерал қонунида кўзда тутилган ҳолларда чет эл фуқароларининг айрим тоифаларидан ташқари), Россия Федерацияси субъектининг ҳудудида меҳнат фаолиятини вақтинча амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

2. Тиббий ёрдам кўрсатишнинг қоидалари

Чет эл фуқароларига тиббий ёрдамни кўрсатиш тартиби Россия Федерацияси Ҳукуматининг 2013 йил 6 мартдаги 186-сонли «Россия Федерацияси ҳудудида чет эл фуқароларига тиббий ёрдамни кўрсатиш Қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Қарори билан белгиланади, унга кўра:

1. Россия Федерациясида вақтинча жойлашган (вақтинча яшайдиган) ёки доимий яшайдиган чет эл фуқароларига тиббий ёрдам ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар тиббий ташкилотлар ва тиббий фаолиятни амалга оширувчи бошқа ташкилотлар томонидан, шунингдек тиббий фаолиятни амалга оширувчи шахсий тадбиркорлар томонидан (қуйида – тиббий ташкилотлар) кўрсатилади.

2. Беморнинг ҳаётига хавф туғдирувчи тўсатдан ўткир касалликлар, ҳолатлар, сурункали касалликларнинг хуружлари ҳолларда шошилиш тарздаги тиббий ёрдам чет эл фуқароларига тиббий ташкилотлар томонидан бепул кўрсатилади.

3. «Россия Федерациясида мажбурий тиббий суғурталаш тўғрисида» Федерал қонунига мувофиқ суғурталанган шахслар бўлган чет эл фуқаролари мажбурий тиббий суғурталашнинг доирасида бепул тиббий ёрдамнинг кўрсатилишига ҳақли бўлади.

4. Тез ёрдам, шу жумладан ихтисослашган тез тиббий ёрдам чет эл фуқароларига шошилич тиббий аралашувни талаб қиладиган касалликлар, бахтсиз ҳодисалар, жароҳатлар, заҳарланишлар ва бошқа ҳолатларда кўрсатилади.

Давлат ва муниципал соғлиқни сақлаш тизимларининг тиббий ташкилотлари томонидан ушбу тиббий ёрдам чет эл фуқароларига бепул кўрсатилади.

5. Режали шаклда тиббий ёрдам чет эл фуқароси томонидан тиббий хизматларнинг ҳақиқий қийматини тўлаш мажбурияти бажарилишининг ёзма кафолатлари ёки ушбу хизматлар кўрсатилишининг тахминий ҳажмидан келиб чиқиб, тиббий хизматларнинг ҳақини аввалдан тўлаши (ушбу Қоидаларнинг 3-бандига биноан тиббий ёрдамни кўрсатиш ҳолатларидан ташқари), шунингдек мавжуд бўлганда керакли тиббий ҳужжатлар (касаллик тарихидан кўчирма, клиник, рентгенологик, лаборатория ва бошқа текширувларнинг маълумотлари) тақдим этилиши шарт билан кўрсатилади.

6. Чет эл фуқаросини даволаш тугаганидан кейин унинг манзилига ёки чет эл фуқаросининг манфаатларини ифода этувчи юридик ёки жисмоний шахснинг манзилига, ушбу фуқаро билан келишилган ҳолда тиббий ташкилотда тиббий ёрдамни кўрсатиш муддати, шунингдек профилактика, диагностика, даволаш ва тиббий реабилитация бўйича ўтказилган чоралар кўрсатилган тиббий ҳужжатлардан кўчирма юборилади.

Россия Федерациясидан бошқа давлатга юбориладиган тиббий ҳужжатлар рус тилида тўлдирилади.

7. Амалда кўрсатилган тиббий ёрдам учун ҳисоб-фактуралар даволаш тугаганидан кейин 10 кун ичида тиббий ташкилот томонидан, агар унга биноан ёрдам кўрсатилган шартномада бошқача кўзда тутилмаган бўлса, чет эл фуқаросининг манзилига ёки чет эл фуқаросининг манфаатларини ифода этувчи юридик ёки жисмоний шахснинг манзилига юборилади (ушбу Қоидаларнинг 3-бандига биноан тиббий ёрдамни кўрсатиш ҳолатларидан ташқари).

2.1. Шошилич тиббий ёрдам

Шошилич шаклдаги (тез ёрдам, шу жумладан ихтисослашган тез тиббий ёрдамдан ташқари) ва режали шаклдаги тиббий ёрдам чет эл фуқароларига пуллик тиббий хизматларни кўрсатиш шартномалари ёки ихтиёрий тиббий суғурталашнинг шартномалари, ва (ёки) мажбурий тиббий суғурталаш соҳасида чет эл фуқароларининг фойдасига тузилган шартномаларга биноан кўрсатилади.

2.2. Мажбурий тиббий суғурталаш

2010 йил 29 ноябрдаги № 326-ФЗ сонли «Россия Федерациясида мажбурий тиббий суғурталаш тўғрисида» Федерал қонунига мувофиқ: мажбурий тиббий суғурталашни амалга оширишнинг асосий тамойили суғурталанган шахсга суғурта ҳолати юзага келганда мажбурий тиббий суғурталашнинг ҳудудий дастури доирасида ва мажбурий тиббий суғурталашнинг негиз дастури доирасида суғурталанган шахсга мажбурий тиббий суғурталашнинг маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдамни бепул кўрсатишнинг кафолатларини таъминлашдир.

Суғурталанган шахслар Россия Федерацияси фуқаролари, Россия Федерациясида доимий ёки вақтинча яшайдиган чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар (юқори малакали мутахассислар ва уларнинг оила аъзоларидан, шунингдек 2002 йил 25 июлдаги № 115-ФЗ сонли «Россия Федерациясида чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида» Федерал қонунининг *13.5-моддасига мувофиқ Россия Федерациясида меҳнат фаолиятини амалга оширадиган чет эл фуқароларидан ташқари), шунингдек «Қочқинлар тўғрисида» Федерал қонунига мувофиқ тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳисобланади:

* **13.5-модда.** Бутунжаҳон савдо ташкилотининг аъзолари бўлган давлатларнинг ҳудудида рўйхатдан ўтган чет эл тижорат ташкилотларининг Россия Федерацияси ҳудудида жойлашган филиалларига, ваколатхоналарига ва шўба ташкилотларига ишлаш учун юборилган чет эл фуқароларининг меҳнат фаолиятини амалга ошириш хусусиятлари

1. Ушбу модда билан Бутунжаҳон савдо ташкилотининг аъзолари бўлган давлатларнинг ҳудудида рўйхатдан ўтган чет эл тижорат ташкилоти томонидан (қуйида – чет эл тижорат ташкилоти), Россия Федерацияси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун юбориладиган чет эл фуқароларининг ишлаш рухсатномаларини олишнинг шартлари ва тартиби белгиланади:

1) Россия Федерацияси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган, таъсис ҳужжатларига мувофиқ хизмат кўрсатадиган ва чет эл тижорат ташкилотининг шўба ташкилоти (шўба жамияти) бўлган юридик шахсда (қуйида – чет эл тижорат ташкилотининг шўба ташкилоти);

2) чет эл тижорат ташкилотининг филиалида;

3) чет эл тижорат ташкилотининг ваколатхонасида.

2010 йил 29 ноябрдаги № 326-ФЗ сонли «Россия Федерациясида мажбурий тиббий суғурталаш тўғрисида» Федерал қонунининг 16-моддаси суғурталанган шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўз ичига олади:

Суғурталанган шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 1) суғурта ҳолати юзага келганда уларга тиббий ташкилотлар томонидан бепул тиббий ёрдамни кўрсатиш:
 - а) Россия Федерациясининг бутун ҳудудида мажбурий тиббий суғурталашнинг негиз дастури билан белгиланган ҳажмида;
 - б) мажбурий тиббий суғурталашнинг полиси берилган Россия Федерацияси субъектининг ҳудудида, мажбурий тиббий суғурталашнинг ҳудудий дастури билан белгиланган ҳажмида;
- 2) мажбурий тиббий суғурталашнинг қоидалари билан белгиланган тартибда ариза бериш орқали суғурта тиббий ташкилотини танлаш;
- 3) яшаш жойи ўзгарган ҳолда ёки мажбурий тиббий суғурталашнинг молиявий таъминоти шартномасининг амал қилиши тўхтатилган ҳолда, мажбурий тиббий суғурталашнинг қоидалари билан белгиланган тартибда янги танланган суғурта тиббий ташкилотига ариза бериш орқали, фуқаро аввал суғурталанган суғурта тиббий ташкилотини, тақвим йили давомида бир марта ёки ундан кўпроқ марта алмаштириш;
- 4) Россия Федерациясининг қонунчилигига мувофиқ мажбурий тиббий суғурталашнинг ҳудудий дастурини амалга оширишда иштирок этувчи тиббий ташкилотлардан тиббий ташкилотни танлаш;
- 5) Россия Федерациясининг қонунчилигига мувофиқ тиббий ташкилотнинг раҳбари номига шахсан ёки ўз вакили орқали ариза бериш йўли билан шифокорни танлаш;
- 6) ҳудудий фонддан, суғурта тиббий ташкилотидан ва тиббий ташкилотлардан тиббий ёрдамнинг турлари, сифати ва берилишининг шартлари ҳақида ҳаққоний маълумотни олиш;
- 7) мажбурий тиббий суғурталаш соҳасида шахсийлаштирилган ҳисобни юритиш учун зарур бўлган шахсий маълумотларни ҳимоялаш;
- 8) Россия Федерациясининг қонунчилигига мувофиқ суғурта тиббий ташкилоти томонидан унинг тиббий ёрдамнинг берилишини ташкил қилиш мажбуриятларини бажармаслиги ёки тегишлича бажармаслиги сабабли етказилган зарарнинг қопланиши;
- 9) Россия Федерациясининг қонунчилигига мувофиқ тиббий ташкилот томонидан унинг тиббий ёрдамнинг берилишини ташкил қилиш ва кўрсатиш мажбуриятларини бажармаслиги ёки тегишлича бажармаслиги сабабли етказилган зарарнинг қопланиши;
- 10) мажбурий тиббий суғурталаш соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

Суғурталанган шахслар қуйидагиларга мажбур:

- 1) тиббий ёрдам учун мурожаат қилганда мажбурий тиббий суғурталаш полисини тақдим этиш, шошилинч тиббий ёрдамни кўрсатиш ҳолатларидан ташқари;
- 2) суғурта тиббий ташкилотига шахсан ёки ўз вакили орқали мажбурий тиббий суғурталашнинг қоидаларига мувофиқ суғурта тиббий ташкилотини танлаш тўғрисида ариза бериш;
- 3) суғурта тиббий ташкилотини ўз фамилияси, исми, ота исми, шахсини тасдиқловчи ҳужжатининг маълумотлари, яшаш жойининг ўзгарганлиги ҳақида, ушбу ўзгаришлар юз берган кундан бошлаб бир ой ичида хабардор этиш;
- 4) яшаш жойи ўзгарган ва фуқаро аввал суғурталанган суғурта тиббий ташкилоти бўлмаган ҳолда, бир ой ичида янги яшаш жойига кўра суғурта тиббий ташкилотини танлаш.

Суғурталанган шахснинг мажбурий тиббий суғурталаш бўйича бепул тиббий ёрдамнинг кўрсатилишига бўлган ҳуқуқи мажбурий тиббий суғурталашнинг иштирокчилари ўртасида унинг фойдасига тузилган мажбурий тиббий суғурталашнинг молиявий таъминоти шартномаси ва мажбурий тиббий суғурталаш бўйича тиббий ёрдамни кўрсатиш ва ҳақини тўлаш шартномаси асосида амалга оширилади.

2.3. Мажбурий тиббий суғурталаш полиси

Мажбурий тиббий суғурталаш полиси суғурталанган шахснинг Россия Федерациясининг бутун ҳудудида мажбурий тиббий суғурталашнинг негиз дастурида кўзда тутилган ҳажмида бепул тиббий ёрдамнинг кўрсатилишига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатдир.

РФ Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ривожланиш Вазирлигининг 2011 йил 28 февралдаги 158н-сонли «Мажбурий тиббий суғурталашнинг Қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» буйруғига мувофиқ, мажбурий тиббий суғурталаш полисини олиш учун суғурталанган шахс ўзи танлаган суғурта тиббий ташкилотига ёки Россия Федерациясининг субъекти томонидан ваколатланган бошқа ташкилотларга (қуйида – бошқа ташкилотлар) шахсан ёки ўз вакили орқали суғурта тиббий ташкилотини танлаш (алмаштириш) тўғрисидаги ариза **(1-Илова)** билан мурожаат қилади, унда қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

1) суғурталанган шахс тўғрисида:
 фамилияси, исми, ота исми (мавжуд бўлганда);
 жинси;
 туғилган санаси;
 туғилган жойи;
 фуқаролиги;
 мажбурий нафақа суғурталаш тизимида индивидуал (шахсийлаштирилган) ҳисоб юритишга оид Россия Федерациясининг қонунчилигига мувофиқ қабул қилинган индивидуал шахсий ҳисобварақнинг суғурта рақами (мавжуд бўлганда) (қуйида – СНИЛС);

шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг маълумотлари;

яшаш жойи;

рўйхатдан ўтиш жойи;

рўйхатдан ўтиш санаси;

алоқа учун маълумот;

суғурталанган шахснинг Федерал қонуннинг 10-моддасига мувофиқ тоифаси;

2) суғурталанган шахснинг вакили (жумладан қонуний вакили) тўғрисида:

фамилияси, исми, ота исми (мавжуд бўлганда);

суғурталанган шахсга муносабати;

шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг маълумотлари;

алоқа учун маълумот;

3) суғурталанган шахс томонидан танланган суғурта тиббий ташкилотининг номи (суғурта тиббий ташкилотига ариза беришда);

3.1) шахс ариза бериш санасига келиб суғурталанган суғурта тиббий ташкилотнинг номи (бошқа ташкилотга ариза берганда);

4) мажбурий тиббий суғурталаш полиси тўғрисида (қуйида – полис) (қоғозда, электрон, фуқаронинг универсал электрон картаси таркибидаги электрон полис, полисни олишдан воз кечиш).

Суғурта тиббий ташкилотини танлаш (алмаштириш) тўғрисида аризага суғурталанган шахс сифатида рўйхатдан ўтиш учун зарур бўлган қуйидаги ҳужжатлар ёки уларнинг тасдиқланган нусхалари илова қилинади:

1) Россия Федерациясида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари учун:

чет эл фуқаросининг паспорти ёки федерал қонун билан белгиланган ёки Россия Федерациясининг халқаро шартномасига мувофиқ чет эл фуқаросининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат сифатида тан олинадиган бошқа ҳужжат;

яшаш гувоҳномаси;

СНИЛС (мавжуд бўлганда);

2) Россия Федерациясида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар учун:

Россия Федерациясининг халқаро шартномасига мувофиқ фуқаролиги бўлмаган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат сифатида тан олинадиган ҳужжат;

яшаш гувоҳномаси;

СНИЛС (мавжуд бўлганда);

3) Россия Федерациясида вақтинча яшайдиган чет эл фуқаролари учун:

Россия Федерациясида вақтинча яшаш рухсат этилиши тўғрисидаги белги қўйилган чет эл фуқаросининг па-
спорти ёки федерал қонун билан белгиланган ёки Россия Федерациясининг халқаро шартномасига мувофиқ чет эл
фуқаросининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат сифатида тан олинадиган бошқа ҳужжат;

СНИЛС (мавжуд бўлганда);

4) Россия Федерациясида вақтинча яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар учун:

Россия Федерациясида вақтинча яшаш рухсат этилиши тўғрисидаги белги қўйилган, Россия Федерациясининг
халқаро шартномасига мувофиқ фуқаролиги бўлмаган шахсининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат сифатида тан олина-
диган ҳужжат;

ёки Россия Федерациясида лицу шахсини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлмаган фуқаролиги бўлмаган шахсга бе-
риладиган белгиланган шаклдаги ҳужжат;

СНИЛС (мавжуд бўлганда);

Суғурта тиббий ташкилотини танлаш (алмаштириш) тўғрисида ариза берилган куни суғурта тиббий ташкилоти
суғурталанган шахсга полисни ёки полисининг расмийлаштирилишини тасдиқловчи ва суғурта ҳолати юзага келган-
да уларга тиббий ташкилотлар томонидан тиббий ёрдамнинг бепул кўрсатилиши ҳуқуқини тасдиқловчи вақтинча
гувоҳномани беради.

Россия Федерацияси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга полис
амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилади.

Россия Федерацияси ҳудудида вақтинча яшайдиган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахслар полис
вақтинча яшаш рухсатномасининг амал қилиш муддатига берилади.

2.4. Ихтиёрий тиббий суғурталаш

Меҳнат фаолиятини амалга оширишда чет эл ишчиси Россия Федерацияси ҳудудида амал қилувчи ихтиёрий
тиббий суғурталашнинг шартномасига (полисига) ёки иш берувчи ёки ишлар (хизматлар) буюртмачиси томонидан
тиббий ташкилот билан тузилган чет эл ишчисига пуллик тиббий хизматларни тақдим этиш тўғрисида шартнома-
нинг асосида тиббий ёрдам кўрсатилиши ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

Ихтиёрий тиббий суғурталашнинг шартномаси (полиси) ёки иш берувчи ёки ишлар (хизматлар) буюртмачиси
томонидан тиббий ташкилот билан тузилган чет эл ишчисига пуллик тиббий хизматларни тақдим этиш тўғрисида
шартнома чет эл ишчисига бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг ва шошилиш тарзда ихисослаштирилган тиб-
бий ёрдамнинг кўрсатилишини таъминлаши лозим.

Иш берувчи Россияда вақтинча жойлашган чет эл ходими билан меҳнат шартномасида унга қўшимча тиббий
суғурталашнинг тақдим этилиши тўғрисидаги шартни кўзда тутишга ҳақлидир.

Ихтиёрий тиббий суғурталаш ихтиёрий тиббий суғурталашнинг дастурлари асосида амалга оширилади ва
фуқароларга мажбурий тиббий суғурталашнинг дастурларидан ташқари белгиланган қўшимча тиббий ва бошқа хиз-
матлар олинишини таъминлайди. Россияда вақтинча жойлашган чет эл фуқаросини ихтиёрий тиббий суғурталаш
унинг касаллиги ҳолатида барча харажатларни қоплаши лозим.

Суғурталовчи ташкилот билан ихтиёрий тиббий суғурталаш шартномасини тузишда 27.11.92 йилдаги № 4015-1
сонли «Россия Федерациясида суғурта ишининг ташкил этилиши тўғрисида» Федерал қонунга ва Фуқаролик кодек-
сининг 48-бобига таяниш лозим.

2.5. Мажбурий ижтимоий суғурталаш

2006 йил 29 декабрдаги № 255-ФЗ-сонли «Вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги ҳолатида ва она бўлганлиги сабабли
мажбурий ижтимоий суғурталаш тўғрисида» Федерал қонунга мувофиқ: Россия Федерацияси фуқаролари, Россия
Федерацияси ҳудудида доимий ёки вақтинча яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шу-
нингдек Россия Федерациясида вақтинча жойлашган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча
меҳнат лаёқатсизлиги ҳолатида ва она бўлганлиги сабабли мажбурий ижтимоий суғурталаниши лозим (ФЗ № 115-га
мувофиқ юқори малакали мутахассислардан ташқари):

1) меҳнат шартномалари бўйича ишлайдиган шахслар, жумладан ташкилотларнинг ягона иштирокчилари (таъ-
сисчилари), ташкилотлар мулкнинг эгалари бўлган уларнинг раҳбарлари;

- 2) давлат фуқаролик хизматчилари, муниципал хизматчилар;
- 3) Россия Федерациясининг давлат лавозимлари, Россия Федерацияси субъектининг давлат лавозимлари, шунингдек доимий асосда эгалланадиган муниципал лавозимларни эгаллаган шахслар;
- 4) ишлаб чиқариш кооперативининг фаолиятида шахсий иштирок этувчи унинг аъзолари;
- 5) руҳоний хизматчилар;
- 6) озодликдан маҳрум этишга судланган ва ҳақи тўланадиган меҳнатга жалб қилинган шахслар.

Вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги ҳолатида ва она бўлганлиги сабабли мажбурий ижтимоий суғурталаниши лозим бўлган шахслар суғурталанган шахслар бўлади.

Россия Федерациясида вақтинча жойлашган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар (№ 115-сонли ФЗ га мувофиқ юқори малакали мутахассислардан ташқари), суғурта қилдирувчилар (ташкilotлар – Россия Федерациясининг қонунчилигига мувофиқ тузилган юридик шахслар, шунингдек фуқаролик ҳуқуқий лаёқатига эга бўлган, чет эл давлатларининг қонунчилигига мувофиқ тузилган чет эл юридик шахслар, компаниялар ва бошқа корпоратив тузилмалар, халқаро ташкilotлар, ушбу чет эл шахсларининг ва халқаро ташкilotларнинг Россия Федерацияси ҳудудида тузилган филиаллари ва ваколатхоналари; шахсий тадбиркорлар, жумладан деҳқон (фермерлик) хўжаликларининг раҳбарлари; шахсий тадбиркорлар деб тан олинмаган жисмоний шахслар) улар учун суғурта ҳолати юз берган ойдан аввалги камида олти ойлик давр давомида суғурта бадалларини тўлаши шарти билан, вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа шаклидаги суғурта таъминотини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Меҳнат шартномалари бўйича ишлайдиган шахслар деб белгиланган тартибда меҳнат шартномасини тузган шахслар, улар ишга киришиши лозим бўлган кундан бошлаб, шунингдек меҳнат қонунчилигига мувофиқ амалда ишлаш рухсат этилган шахслар тан олинади.

Вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги ҳолатида ва она бўлганлиги сабабли мажбурий ижтимоий суғурталаш Россия Федерациясининг ижтимоий суғурталаш Фонди бўлган суғурталовчи томонидан амалга оширилади.

Россия Федерациясининг ижтимоий суғурталаш Фонди ва унинг ҳудудий органлари вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги ҳолатида ва она бўлганлиги сабабли мажбурий ижтимоий суғурталашнинг маблағларини бошқариш органларининг ягона марказлаштирилган тизимини ташкил этади.

Суғурта қилдирувчиларни рўйхатдан ўтказиш суғурталовчининг ҳудудий органларида амалга оширилади:

1. юридик шахс бўлган суғурта қилдирувчилар – суғурталовчининг ҳудудий органига юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи ижроия ҳокимиятининг федерал органи томонидан юридик шахсларнинг ягона давлат реестрида бўлган ва Россия Федерациясининг Ҳукумати томонидан ваколатланган ижроия ҳокимиятининг федерал органи томонидан белгиланадиган тартибда тақдим этиладиган маълумотларни тақдим этиш кунидан бошлаб уч иш кунидан ошмайдиган муддат ичида;

2. юридик шахсларнинг жойлашган манзили бўйича – алоҳида бўлинмалар бўлган, алоҳида балансига, ҳисобварағига эга бўлган ҳамда жисмоний шахсларнинг фойдасига тўловларни ва бошқа ҳақларни ҳисоблайдиган суғурта қилдирувчилар, бундай алоҳида бўлинма тузилган кунидан 30 кундан кеч бўлмаган муддатда тақдим этиладиган суғурта қилдирувчи сифатида рўйхатдан ўтказиш тўғрисида аризанинг асосида;

3. ишчи билан меҳнат шартномасини тузган жисмоний шахс бўлган суғурта қилдирувчилар – ушбу жисмоний шахсларнинг яшаш манзилига кўра, қабул қилинадиган ишчилардан биринчиси билан меҳнат шартномаси тузилган кунидан бошлаб 10 кундан кеч бўлмаган муддатда тақдим этиладиган суғурта қилдирувчи сифатида рўйхатдан ўтказиш тўғрисида аризанинг асосида.

Суғурталанган шахсларга суғурта таъминотини тўлаш харажатларининг молиявий таъминоти Россия Федерациясининг ижтимоий суғурталаш Фонди бюджетининг маблағлари ҳисобидан, шунингдек суғурта қилдирувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Касаллик ёки жароҳат туфайли меҳнат лаёқатининг йўқолиши ҳолатларида, шу жумладан ҳомиладорликни сунъий тўхтатиш жарроҳлиги ёки экстракорпорал ҳомила ўстиришни амалга ошириш билан боғлиқ ҳолларда вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа:

1) суғурталанган шахсларга (вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги ҳолатида ва она бўлганлиги сабабли мажбурий ижтимоий суғурталашга оид ҳуқуқий муносабатларга ихтиёрий киришган суғурталанган шахслардан ташқари) вақтинча меҳнат лаёқатсизлигининг биринчи учта куни учун суғурта қилдирувчининг маблағлари ҳисобидан, вақтинча меҳнат лаёқатсизлигининг 4-кунидан бошлаб қолган даври учун Россия Федерациясининг ижтимоий суғурталаш Фонди маблағлари ҳисобидан;

2) вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги ҳолатида ва она бўлганлиги сабабли мажбурий ижтимоий суғурталашга оид ҳуқуқий муносабатларга ихтиёрий киришган суғурталанган шахсларга – вақтинча меҳнат лаёқатсизлигининг 1-кунидан бошлаб Россия Федерациясининг ижтимоий суғурталаш Фонди бюджетининг маблағлари ҳисобидан тўланади.

Касал оила аъзосини парвариш қилиш зарур бўлган; суғурталанган шахснинг карантини, шунингдек мактабгача таълим ташкилотига қатнайдиган 7 ёшгача бўлган бола, ёки белгиланган тартибда лаёқатсиз деб тан олинган бошқа оила аъзосининг карантини; тиббий кўрсатмаларга биноан стационар ихтисослашган муассасада протезлашни ба-жариш; стационар шароитида тиббий ёрдамни кўрсатишдан кейин бевосита Россия Федерацияси ҳудудида жойлашган санатория-курорт ташкилотларида белгиланган тартибда даволашни яқунлаш зарур бўлган ҳолларда вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа суғурталанган шахсларга Россия Федерациясининг ижтимоий суғурталаш Фонди бюджетининг маблағлари ҳисобидан вақтинча меҳнат лаёқатсизлигининг 1-кунидан тўланади.

Россия Федерациясининг қонулари, федерал қонулар билан белгиланган ҳолларда, Россия Федерациясининг вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги ҳолатида ва она бўлганлиги сабабли мажбурий ижтимоий суғурталашга оид қонунчилиги билан белгиланган миқдорларидан ташқари миқдорда суғурта таъминотини тўлаш учун харажатларнинг молиявий таъминоти федерал бюджетдан ушбу мақсадлар учун Россия Федерациясининг ижтимоий суғурталаш Фонди бюджетига бериладиган бюджетлараро трансферт маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2.5.1. Суғурталанган шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Суғурталанган шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги ҳолатида ва она бўлганлиги сабабли мажбурий ижтимоий суғурталашга оид Россия Федерациясининг қонунчилигига мувофиқ суғурта таъминотини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмида олиш;

2) суғурта қилдирувчидан иш ҳақининг суммаси ҳақида маълумотномани, шунингдек суғурта бадалларининг ҳисобланиши ҳақидаги маълумотни тўсқинликларсиз олиш ва уларнинг Россия Федерациясининг ижтимоий суғурталаш Фондига ўтказилиши устидан назорат қилиш;

3) суғурта қилдирувчига ва суғурталовчига Россия Федерациясининг вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги ҳолатида ва она бўлганлиги сабабли мажбурий ижтимоий суғурталашга оид қонунчилигининг қўлланиши юзасидан маслаҳат олиш учун мурожаат қилиш, шунингдек суғурталанган шахс вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа, ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича нафақа, фарзанд боқиш учун ойлик нафақани олиш учун мурожаат қилган кунда суғурта қилдирувчи ўз фаолиятини тўхтатган ҳолда, ёки суғурта қилдирувчининг кредит ташкилотларидаги ҳисобварақларида пул маблағларининг етишмаслиги ва Россия Федерацияси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган пул маблағларини ҳисобварақдан ҳисобдан чиқариш навбатининг қўлланиши сабабли уларни тўлашнинг имкони йўқлиги ҳолатида, ёки бундай суғурта қилдирувчи томонидан суғурталанган шахсга нафақаларни тўламаслик ҳолатини аниқлаш ҳақидаги қонуний кучга кирган суд қарори мавжуд бўлганда, суғурта қилдирувчи ва унинг ундириш қаратилиши мумкин бўлган мол-мулкнинг манзилени аниқлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда аризалар, шикоятлар, илтимосномалар ва ҳуқуқий турдаги бошқа ҳужжатларни тузиш шаклида, шунингдек суғурталанган шахснинг манфаатларини судларда ифода этиш шаклида суғурта таъминотини олиш учун зарур бўлган бепул ёрдам учун суғурталовчига мурожаат қилиш;

4) суғурталовчига суғурта қилдирувчи томонидан суғурта таъминоти тўғри тўланганлигини текшириш ўтказилиши ҳақидаги сўров билан мурожаат қилиш;

5) ўз ҳуқуқларини шахсан ёки ўз вакили орқали, шу жумладан суд тартибида ҳимоя қилиш.

Суғурталанган шахслар қуйидаги мажбуриятларга эга:

1) суғурта қилдирувчига, Россия Федерациясининг вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги ҳолатида ва она бўлганлиги сабабли мажбурий ижтимоий суғурталашга оид қонунчилиги билан белгиланган ҳолатларда эса, суғурталовчига уларнинг асосида суғурта таъминоти тўланадиган ва (ёки) суғурталовчи томонидан аризалар, шикоятлар, илтимос-

номалар ва ҳуқуқий турдаги бошқа ҳужжатларни тузиш шаклида, шунингдек суғурталанган шахснинг манфаатларини судларда ифода этиш шаклида суғурта таъминотини олиш учун зарур бўлган бепул ёрдам кўрсатиладиган ҳақиқий ҳужжатларни (маълумотларни) тақдим этиш;

2) суғурта қилдирувчига (суғурталовчига) суғурта таъминотини тақдим этиш шартларига ва миқдорига таъсир кўрсатувчи ҳолатлар ҳақида, улар юзага келган кундан бошлаб 10 кун ичида билдириш;

3) вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги даври учун белгиланган даволаш режимига, ва беморнинг тиббий ташкилотларда ўзини тутиш қоидаларига риоя қилиш;

4) Россия Федерациясининг вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги ҳолатида ва она бўлганлиги сабабли мажбурий ижтимоий суғурталашга оид қонунчилиги билан белгиланган бошқа талабларни бажариш.

Суғурталанган шахслар ушбу мажбуриятларни бажармаган ҳолда, суғурталовчи Россия Федерациясининг қонунчилигига мувофиқ улардан етказилган зарарни ундириб олишга ҳақли бўлади.

Касаллик ёки жароҳат туфайли меҳнат лаёқатининг йўқолишида вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа суғурталанган шахсга меҳнат лаёқати тикланиши (ногиронлиги белгиланиши) кунигача вақтинча меҳнат лаёқатсизлигининг бутун даври учун тўланади, қуйидаги ҳолатлардан ташқари:

1. Белгиланган тартибда ногирон деб тан олинган суғурталанган шахсга вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа (сил касаллигидан ташқари) кўпи билан кетма-кет тўрт ой давомида ёки тақвим йилида беш ой давомида тўланади. Ушбу шахсларнинг сил касаллигида вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа меҳнат лаёқатининг тикланиши кунигача ёки сил касаллиги оқибатида ногиронлик гуруҳининг қайта кўрилиши кунигача тикланади.

2. Олти ойгача муддатга муддатли меҳнат шартномасини (муддатли хизмат контрактини) тузган суғурталанган шахсга, шунингдек унда касаллик ёки жароҳат меҳнат шартномаси тузилган кундан унинг бекор қилинишигача даври ичида юз берган суғурталанган шахсга, вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа (сил касаллигидан ташқари) ушбу шартнома бўйича кўпи билан 75 тақвим куни учун тўланади. Сил касаллигида вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа меҳнат лаёқатининг тикланиши (ногиронликни белгилаш) кунигача тўланади. Бунда касаллик ёки жароҳат меҳнат шартномаси тузилган кундан унинг бекор қилинишигача даври ичида юз берган суғурталанган шахсга вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа ушбу ишчи ишга киришиши лозим бўлган кундан бошлаб тўланади.

Суғурталанган шахс стационар шароитида тиббий ёрдамни кўрсатишдан кейин бевосита Россия Федерацияси ҳудудида жойлашган санатория-курорт ташкилотларида белгиланган тартибда даволашни якунлаши ҳолатларида, вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа санатория-курорт ташкилотида бўлган даври учун, лекин кўпи билан 24 тақвим куни учун тўланади (сил касаллигидан ташқари).

Касал оила аъзосини парвариш қилиш зарур бўлган ҳолларда вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа суғурталанган шахсга:

1. 7 ёшгача бўлган касал болани парвариш қилиш ҳолатида – болани амбулатор шароитида даволаш ёки болага стационар шароитида тиббий ёрдамни кўрсатиш пайтида у билан бирга тиббий ташкилотда бўлишнинг бутун даври учун, лекин шу болани парвариш қилишнинг барча ҳолатлари бўйича кўпи билан тақвим йилида 60 тақвим куни учун, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш вазифаларини амалга оширувчи ижроия ҳокимияти федерал органи томонидан белгиланадиган касалликлар рўйхатига киритилган боланинг касаллиги ҳолатида эса, ушбу касаллик сабабли шу болани парвариш қилишнинг барча ҳолатлари бўйича кўпи билан тақвим йилида 90 тақвим куни учун;

2. 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган касал болани парвариш қилиш ҳолатида – болани амбулатор шароитида даволаш ёки болага стационар шароитида тиббий ёрдамни кўрсатиш пайтида у билан бирга тиббий ташкилотда бўлишнинг ҳар бир ҳолати бўйича 15 тақвим кунигача даври учун, лекин шу болани парвариш қилишнинг барча ҳолатлари бўйича кўпи билан тақвим йилида 45 тақвим куни учун;

3. ногирон бўлган 18 ёшгача касал болани парвариш қилиш ҳолатида – болани амбулатор шароитида даволаш ёки болага стационар шароитида тиббий ёрдамни кўрсатиш пайтида у билан бирга тиббий ташкилотда бўлишнинг бутун даври учун, лекин шу болани парвариш қилишнинг барча ҳолатлари бўйича кўпи билан тақвим йилида 120 тақвим куни учун;

4. ОИТВ-юкқан шахс бўлган 18 ёшгача касал болани парвариш қилиш ҳолатида, – болага стационар шароитида тиббий ёрдамни кўрсатиш пайтида у билан бирга тиббий ташкилотда бўлишнинг бутун даври учун;

5. 18 ёшгача бўлган касал болани парвариш қилиш ҳолатида, унинг вакцина эмлашдан кейинги асорат билан боғлиқ касаллигида, ёмон сифатли ўсимталарда, шу жумладан лимфоид, қон яратувчи тўқималар ва уларга яқин тўқималарнинг ёмон сифатли ўсимталарида – болани амбулатор шароитида даволаш ёки болага стационар шароитида тиббий ёрдамни кўрсатиш пайтида у билан бирга тиббий ташкилотда бўлишнинг бутун даври учун;

6. амбулатор шароитида даволашда касал оила аъзосини парвариш қилишнинг қолган ҳолатларида – касалликнинг ҳар бир ҳолати бўйича кўпи билан 7 тақвим куни учун, лекин ушбу оила аъзосини парвариш қилишнинг барча ҳолатлари бўйича кўпи билан тақвим йилида 30 тақвим куни учун тўланади.

Карантин ҳолатида вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа юқумли касад билан мулоқотда бўлган ёки унда бактерия ташувчилиги аниқланган суғурталанган шахсга, унинг карантин сабабли ишдан четлатилишининг бутун даври учун тўланади. Агар 7 ёшгача бўлган, мактабгача таълим муаасасаларига қатнайдиغان болалар, ёки белгиланган тартибда лаёқатсиз деб тан олинган бошқа оила аъзолари карантинда бўлиши лозим бўлса, вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа суғурталанган шахсга (ота-оналардан бирига, бошқа қонуний вакилига ёки бошқа оила аъзосига) карантиннинг бутун даври учун тўланади.

Вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа тиббий кўрсатмаларга биноан стационар ихтисослашган муассасада протезлаш ҳолатида суғурталанган шахсга шу сабабга кўра ишдан озод этишининг бутун даври учун, шу жумладан протезлаш жойига бориш ва қайтиш вақти учун тўланади.

2.5.2. Вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақанинг миқдори

Касаллик ёки жароҳат оқибатида, карантин ҳолатида, тиббий кўрсатмаларга протезлашда ва стационар шароитида тиббий ёрдамни кўрсатишдан кейин бевосита санатория-курорт ташкилотларида даволашни яқунлашда меҳнат лаёқатининг йўқотилишида вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа куйидаги миқдорда тўланади:

1. 8 ва ундан ортиқ йил суғурта стажига эга бўлган суғурталанган шахсга – ўртача иш ҳақининг 100 фоизи;
2. 5 йилдан 8 йилгача суғурта стажига эга бўлган суғурталанган шахсга – ўртача иш ҳақининг 80 фоизи;
3. 5 йилгача суғурта стажига эга бўлган суғурталанган шахсга – ўртача иш ҳақининг 60 фоизи.

Касаллик ёки жароҳат оқибатида меҳнат лаёқатининг йўқотилишида вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа, улар вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги ҳолатида ва она бўлганлиги сабабли мажбурий ижтимоий суғурталанган ҳолда меҳнат шартномаси бўйича ишлаши, хизмат ёки бошқа фаолияти тугаганидан кейин 30 тақвим куни ичида юз берган касаллик ёки жароҳат ҳолатида суғурталанган шахсларга ўртача иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида тўланади.

Касал болани парвариш қилиш зарур бўлган ҳолларда вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа:

1. болани амбулатория шароитида даволашда – биринчи 10 тақвим куни учун (юқорида кўрсатилган) суғурталанган шахснинг суғурта стажининг давомийлигига қараб аниқланадиган миқдорда, кейинги кунлари учун ўртача иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;

2. болани стационар шароитида даволашда – (юқорида кўрсатилган) суғурталанган шахснинг суғурта стажининг давомийлигига қараб аниқланадиган миқдорда тўланади.

Касал болани парвариш қилиш ҳолларидан ташқари, касал оила аъзосини амбулатория шароитида даволашда уни парвариш қилиш зарур бўлган ҳолларда, вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа (юқорида кўрсатилган) суғурталанган шахснинг суғурта стажининг давомийлигига қараб аниқланадиган миқдорда тўланади.

Олти ойдан камроқ бўлган суғурта стажига эга бўлган суғурталанган шахсга вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа, тўлиқ тақвим оий учун федерал қонун билан белгиланган минимал иш ҳақининг миқдоридан ошмаган миқдорда, белгиланган тартибда иш ҳақининг район коэффицентлари қўлланадиган районларда ва жойларда эса, ушбу коэффицентларни ҳисобга олган ҳолда минимал иш ҳақининг миқдоридан ошмаган миқдорда тўланади.

Иш тўхтаган даврдан аввал юз берган ва иш тўхтаган даврида давом этадиган вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги ҳолатида, иш тўхтаган даври учун вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа бу давр учун иш ҳақи сақланадиган миқдорда, лекин суғурталанган шахс умумий қоидаларга кўра оладиган вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақанинг миқдоридан ошмаган миқдорда тўланади.

2.5.3. Вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақанинг миқдорини камайтириш учун асослар

Вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақанинг миқдорини камайтириш учун асослар:

1. суғурталанган шахс томонидан меҳнат лаёқатсизлиги даврида даволовчи вақтинча шифокор белгилаб берган режимнинг узрсиз сабабларга кўра бузилиши;
2. суғурталанган шахснинг узрсиз сабабларга кўра белгиланган муддатда шифокор кўригига ёки тиббий-ижтимоий экспертизанинг ўтказилиши учун келмаслиги;
3. алкоғолли, гиёҳвандлик, токсик мастлик оқибатида ёки бундай мастлик билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар оқибатида юзага келган касаллик ёки жароҳат.

Юқорида кўрсатилган вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақани камайтириш учун бир ёки бир нечта асослар мавжуд бўлганда, вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа суғурталанган шахсга тўлиқ тақвим оий учун федерал қонун билан белгиланган минимал иш ҳақининг миқдоридан ошмаган миқдорда, белгиланган тартибда иш ҳақининг район коэффицентлари қўлланадиган районларда ва жойларда эса, ушбу коэффицентларни ҳисобга олган ҳолда минимал иш ҳақининг миқдоридан ошмаган миқдорда тўланади:

- 1) асослар мавжуд бўлганда (суғурталанган шахс томонидан меҳнат лаёқатсизлиги даврида даволовчи вақтинча шифокор белгилаб берган режимнинг узрсиз сабабларга кўра бузилиши; суғурталанган шахснинг узрсиз сабабларга кўра белгиланган муддатда шифокор кўригига ёки тиббий-ижтимоий экспертизанинг ўтказилиши учун келмаслиги) – бузилиш йўл қўйилган кундан бошлаб;
- 2) асослар мавжуд бўлганда (алкоғолли, гиёҳвандлик, токсик мастлик оқибатида ёки бундай мастлик билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар оқибатида юзага келган касаллик ёки жароҳат) – бутун меҳнат лаёқатсизлиги даври учун.

2.5.4. Вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа тайинланмайдиган даврлар

Вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа суғурталанган шахсга қуйидаги даврлар учун тайинланмайди:

1. Россия Федерациясининг қонунчилигига мувофиқ ишчини иш ҳақи тўлиқ ёки қисман сақланган ҳолда ёки иш ҳақисиз ишдан озод этиш даври учун, ишчининг йиллик ҳақи тўланадиган меҳнат таътили даврида касаллиги ёки жароҳати оқибатида меҳнат лаёқатини йўқотиши ҳолатларидан ташқари;
2. Россия Федерациясининг қонунчилигига мувофиқ ишдан четлатиш даври учун, агар ушбу давр учун иш ҳақи ҳисобланмаса;
3. қамоққа олиш ёки маъмурий арест даври учун;
4. суд-тиббий экспертизасини ўтказиш даври учун;
5. иш тўхтаган даврида, меҳнат лаёқатсизлиги ҳолатларидан ташқари (иш тўхтаган даврдан аввал юз берган ва иш тўхтаган даврида давом этадиган вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги ҳолатида, иш тўхтаган даври учун вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа бу давр учун иш ҳақи сақланадиган миқдорда, лекин суғурталанган шахс умумий қоидаларга кўра оладиган вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақанинг миқдоридан ошмаган миқдорда тўланади).

Суғурталанган шахсга вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақани тайинлашни рад этиш учун асослар:

1. суд томонидан аниқланган суғурталанган шахснинг ўз соғлигига қасддан зарар етказиши ёки ўзини ўлдиришга уриниши оқибатида вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги юзага келиши;
2. суғурталанган шахс томонидан қасддан жиноят содир этиши оқибатида вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги юзага келиши.

2.5.5. Ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича нафақа билан таъминлаш

Ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича нафақа суғурталанган аёлга туғруққача 70 (кўп болали ҳомиладорлик ҳолатида – 84) тақвим куни ва туғруқдан кейин 70 (асоратли туғруқ ҳолатида – 86, икки ва ундан ортиқ бола туғилганда – 110) тақвим куни давомийликдаги ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича таътилнинг бутун даври учун жамланган ҳолда тўланади.

Уч ойгача бола(лар) ўғил (қиз) қилиб олинганда, ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича нафақа унинг ўғил (қиз) қилиб олинган пайтидан бошлаб, бола(лар)нинг туғилган кунидан бошлаб 70 (бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ бола ўғил (қиз) қилиб олинганда – 110) тақвим куни ўтгунча даврда тўланади.

Агар она боласи бир ярим ёшга тўлгунча фарзанд боқиш учун таътилида бўлган даврда унда ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича таътил бошланган ҳолда, у тегишли таътиллари даврларида тўланадиган нафақаларнинг иккита туридан бирини танлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича нафақа суғурталанган аёлга ўртача иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида тўланади.

Олти ойдан камроқ бўлган суғурта стажига эга бўлган суғурталанган аёлга ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича нафақа тўлиқ тақвим оғи учун федерал қонун билан белгиланган минимал иш ҳақининг миқдоридан ошмаган миқдорда, белгиланган тартибда иш ҳақининг район коэффицентлари қўлланадиган районларда ва жойларда эса, ушбу коэффицентларни ҳисобга олган ҳолда минимал иш ҳақининг миқдоридан ошмаган миқдорда тўланади.

2.5.6. Фарзанд боқиш учун ойлик нафақа билан таъминлаш

Фарзанд боқиш учун ойлик нафақа болани амалда парвариш қилувчи ва фарзанд боқиш учун таътилда бўлган суғурталанган шахсларга (онасига, отасига, бошқа қариндошларига, васийларига), фарзанд боқиш учун таътил берилган кунидан бола бир ярим ёшга етгунча тўланади.

Фарзанд боқиш учун ойлик нафақа олиш ҳуқуқи фарзанд боқиш учун таътилда бўлган шахс тўлиқсиз иш вақти шартлари асосида ёки уйда ишлаётган ва болани парвариш қилишни давом эттираётган ҳолда сақланади.

Ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган оналар, туғруқдан кейинги даврда боланинг туғилган кунидан бошлаб ёки ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича нафақасини, ёки фарзанд боқиш учун ойлик нафақанинг миқдори ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича нафақанинг миқдоридан юқори бўлган ҳолда, аввал тўланган ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича нафақа ҳисобга киритилган ҳолда фарзанд боқиш учун ойлик нафақани олиш ҳуқуқига эга.

Болани бир вақтнинг ўзида бир нечта шахслар боқадиган ҳолда, фарзанд боқиш учун ойлик нафақани олиш ҳуқуқи ушбу шахслардан бирига берилади.

Фарзанд боқиш учун ойлик нафақа суғурталанган шахснинг ўртача иш ҳақининг 40 фоизи миқдорида, лекин «Болалари бўлган фуқароларга давлат нафақалари тўғрисида» Федерал қонуни билан белгиланган ушбу нафақанинг минимал миқдоридан кам бўлмаган миқдорда тўланади.

Икки ва ундан ортиқ болани улар бир ярим ёшга етгунча боқиш ҳолатида юқоридаги усул билан ҳисобланган фарзанд боқиш учун ойлик нафақанинг миқдори қўшиб жамланади. Бунда нафақанинг жамланган миқдори суғурталанган шахснинг ўртача иш ҳақининг 100 фоизидан ортиқ бўлиши, лекин ушбу нафақанинг жамланган минимал миқдоридан камроқ бўлиши мумкин эмас.

Иккинчи ва кейинги болаларни боқиш учун нафақанинг миқдорини аниқлашда ушбу боланинг онаси туққан (ўғил (қиз) қилиб олган) аввалги болалар ҳисобга олинади.

2.5.7. Вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа, ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича нафақа, фарзанд боқиш учун ойлик нафақани тайинлаш, ҳисоблаш ва тўлаш

Вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа, агар меҳнат лаёқатининг тикланиши (ногиронлик белгиланиши) кунидан, шунингдек касал оила аъзосини парвариш қилиш, карантин, протезлаш ва даволашни яқунлаш ҳолатларида ишдан озод этиш даври тугаганидан кейин кечи билан олти ой ичида уни сўраб мурожаат қилинган ҳолларда, тайинланади.

Ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича нафақа, агар ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича таътил тугаган кунидан кечи билан олти ой ичида уни сўраб мурожаат қилинган ҳолларда, тайинланади.

Фарзанд боқиш учун ойлик нафақа, агар бола бир ярим ёшига етган кунидан кечи билан олти ой ичида уни сўраб мурожаат қилинган ҳолларда, тайинланади.

Вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа, ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича нафақа, фарзанд боқиш учун ойлик нафақани олиш учун олти ойлик муддат ўтиб кетганидан кейин мурожаат қилинганда, нафақани тайинлаш ҳақидаги

қарор суғурталовчининг ҳудудий органи томонидан, нафақа олиш учун мурожаат қилишнинг муддатини ўтказиб юборишнинг узрли сабаблари бўлганда, қабул қилинади.

Нафақа олиш учун мурожаат қилиш муддатини ўтказиб юборишнинг **узрли сабабларининг рўйхати:**

1. Енгиб бўлмас кучдаги, яъни фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ҳолатлар (зилзила, довул, сув тошқини, ёнғин ва ҳоказо);

2. Суғурталанган шахснинг олти ойдан узоқроқ касаллик ёки жароҳат оқибатида узоқ муддатли вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги;

3. Бошқа аҳоли пунктига яшаш учун кўчиб ўтиши, бўлган жойини ўзгартириш;

4. Ноқонуний ишдан бўшатишда ёки ишдан четлатишда мажбуран ишга келмаслик;

5. Яқин қариндошининг соғлиғи бузилиши ёки ўлими;

6. Суғурталанган шахслар судга мурожаат қилганда суд тартибида узрли деб тан олинган бошқа сабаблар.

2.5.8. Вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа, ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича нафақа, фарзанд боқиш учун ойлик нафақани тайинлаш ва тўлаш тартиби

Вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа, ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича нафақа, фарзанд боқиш учун ойлик нафақани тайинлаш ва тўлаш шахснинг иш (хизмат, бошқа фаолият) жойига кўра суғурта қилдирувчи томонидан амалга оширилади.

Агар суғурталанган шахс суғурта ҳолати юзага келган пайтда бир нечта суғурта қилдирувчиларда банд бўлган, ва бундан аввалги икки ўтган йили давомида худди шу суғурта қилдирувчиларда банд бўлган ҳолда, вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа, ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича нафақа унга барча иш (хизмат, бошқа фаолият) жойига кўра суғурта қилдирувчилар томонидан, фарзанд боқиш учун ойлик нафақа эса – суғурталанган шахснинг танловига кўра бир иш (хизмат, бошқа фаолият) жойига кўра суғурта қилдирувчи томонидан тайинланади ва тўланади, ҳамда нафақани ҳисоблайдиган ва тўлайдиган суғурта қилдирувчида иш (хизмат, бошқа фаолият) даври учун ўртача иш ҳақидан келиб чиқиб, ҳисобланади.

Вақтинча меҳнат лаёқатсизлиги учун нафақа, ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича нафақалар тайинланиши ва тўланиши учун суғурталанган шахс РФ Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ривожланиш Вазирлигининг 2011 йил 29 июндаги № 624н-сонли «Меҳнат лаёқатсизлиги варақаларини бериш Тартибини тасдиқлаш тўғрисида» буйруғи билан тасдиқланган шаклда ва тартибда тиббий ташкилот томонидан берилган меҳнат лаёқатсизлиги варақасини, бошқа суғурта қилдирувчида (бошқа суғурта қилдирувчиларда) иш (хизмат, бошқа фаолият) жой(лар)идан ундан нафақа ҳисобланиши лозим бўлган иш ҳақининг миқдори ҳақидаги маълумотнома(лар)ни, суғурталовчининг ҳудудий органи томонидан ушбу нафақаларнинг ҳисобланиши ва тўланиши учун эса – ундан нафақа ҳисобланиши лозим бўлган иш ҳақининг миқдори ҳақидаги маълумотнома(лар)ни, ва ушбу ижроия ҳокимиятининг федерал органи томонидан белгиланадиган суғурта стажини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этади (иш даврларини тасдиқловчи асосий ҳужжат белгиланган намунадаги меҳнат дафтарчаси ҳисобланади, меҳнат дафтарчаси бўлмаганда, шунингдек меҳнат дафтарчасида нотўғри ва ноаниқ маълумот бўлганда ёки айрим иш даврлари тўғрисида ёзувлар бўлмаганда, иш даврларини тасдиқлаш учун тегишли ҳуқуқий муносабатлар юзага келган кунда амалда бўлган меҳнат қонунчилигига мувофиқ тузилган ёзма меҳнат шартномалари, иш берувчилар ёки тегишли давлат (муниципал) органлар томонидан бериладиган маълумотномалар, буйруқлардан кўчирмалар, шахсий ҳисобварақлар ва иш ҳақини бериш қайдномалари қабул қилинади).

Фарзанд боқиш учун ойлик нафақанинг ҳисобланиши ва тўланиши учун суғурталанган шахс ушбу нафақани тайинлаш тўғрисида аризани, боқилаётган боланинг туғилганлиги (ўғил(қиз) қилиб олинганлиги) тўғрисидаги гувоҳномани, ва унинг нусхасини ёки болага васийлик тайинланиши ҳақидаги қарордан кўчирмани, аввалги бола(лар)нинг туғилганлиги (ўғил(қиз) қилиб олинганлиги) тўғрисидаги гувоҳномани ва унинг нусхасини, боланинг онаси (отаси, иккала ота-онаси) иш (хизмат) жойидан у (улар) фарзанд боқиш учун таътилдан фойдаланмаслиги ва фарзанд боқиш учун ойлик нафақани олмаслиги тўғрисида маълумотномани, боланинг онаси (отаси, иккала ота-онаси) ишламаган (хизмат қилмаган) ёки таълим фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда асосий таълим дастурлари бўйича кундузги шакли бўйича таълим олаётган ҳолда, боланинг онаси (отаси) яшаш жойига (бўлган жойига, амалдаги яшаш жойига) кўра аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органларидан фарзанд боқиш учун ойлик нафақани олмаслиги тўғрисида маълумотномани тақдим этади. Фарзанд боқиш учун ойлик нафақа ҳисобланиши ва

тўланиши учун суғурталанган шахс шунингдек зарур бўлганда ундан нафақа ҳисобланиши лозим бўлган иш ҳақининг миқдори ҳақидаги маълумотнома(лар)ни тақдим этади.

Бир нечта суғурта қилдирувчиларда банд бўлган суғурталанган шахс, ўз танловига кўра ушбу суғурта қилдирувчилардан бирига фарзанд боқиш учун ойлик нафақа тайинланиши ва тўланиши учун мурожаат қилганда, юқоридаги ҳужжатлар билан бирга, бошқа суғурта қилдирувчида (бошқа суғурта қилдирувчиларда) иш (хизмат, бошқа фаолият) жойидан ушбу суғурта қилдирувчи томонидан фарзанд боқиш учун ойлик нафақани ҳисоблаш ва тўлаш амалга оширилмаслиги тўғрисида маълумотнома(лар)ни тақдим этади.

II-бўлим

1. Россия Федерациясида чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати

Чет эл фуқаросининг Россия Федерацияси ҳудудида жойлашиши ва яшашининг тартиби Россия Федерациясининг 2002 йил 25 июлдаги № 115-ФЗ сонли «Россия Федерациясида чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида» Федерал қонуни (қуйида – ФЗ № 115) билан белгилаб берилган.

Юқоридаги меъёрий ҳужжатга мувофиқ, чет эл фуқароларининг Россия Федерацияси ҳудудида жойлашиши ва яшаши қуйидаги тарзда амалга оширилиши мумкин:

1.1. Чет эл фуқароларининг Россия Федерациясида вақтинча жойлашиши

Чет эл фуқаросининг Россия Федерациясида вақтинча жойлашишининг муддати унга берилган визанинг муддати билан белгиланади, ФЗ № 115 да кўзда тутилган ҳоллар бундан истисно.

Россия Федерациясида вақтинча жойлашган чет эл фуқароси унинг визасининг амал қилиш муддати ёки ФЗ № 115 ёки Россия Федерациясининг халқаро шартномаси билан белгиланган бошқа вақтинча жойлашишининг муддати тугаганда Россия Федерациясидан чиқиб кетиши шарт, ушбу муддатлар тугаган кунида унга визанинг амал қилиш муддати ёки вақтинча жойлашишининг муддати узайтирилган, ёки унга янги виза, ёки вақтинча яшаш рухсатномаси, ёки яшаш гувоҳномаси берилган, ёки ундан ФЗ № 115 нинг 6.1-моддасида кўзда тутилган тартибда унинг вақтинча яшаш рухсатномасини олиши учун зарур бўлган ариза ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинган, ёки ундан 2002 йил 31 майдаги № 62-ФЗ сонли «Россия Федерациясининг фуқаролиги тўғрисида» Федерал қонунининг *33.1-моддасига мувофиқ рус тилининг ташувчиси деб тан олинган чет эл фуқаросининг Россия Федерацияси фуқаролигига қабул қилиниши мумкинлиги ҳақида хабарнома берилиши тўғрисида ариза, ёки яшаш гувоҳномасининг берилиши тўғрисида ариза қабул қилинган, ёки миграция соҳасида ҳуқуқни қўллаш вазифалари, назорат қилиш ва давлат хизматларини кўрсатиш вазифаларини амалга оширувчи ижроия ҳокимиятининг федерал органи томонидан (қуйида – миграция соҳасида ижроия ҳокимиятининг федерал органи) иш берувчининг ёки ишлар (хизматлар) буюртмачисининг чет эл фуқаросини юқори малакали мутахассис сифатида меҳнат фаолиятига жалб қилиш тўғрисида илтимосномаси ёки иш берувчининг ёки ишлар (хизматлар) буюртмачисининг бундай юқори малакали мутахассисга ФЗ № 115 нинг 13.2-моддасига мувофиқ берилган ишлаш рухсатномасининг муддатини узайтириш тўғрисида ариза, ёки унда чет эл фуқароси давлат аккредитациясига эга бўлган асосий касбий таълим дастури бўйича ўқиётган таълим ташкилотининг Россия Федерациясида бундай чет эл фуқароси вақтинча жойлашишининг муддатини узайтириш тўғрисида илтимосномаси қабул қилинган ҳолатлар бундан истисно.

Россия Федерациясига виза олишни талаб қилмайдиган тартибда келган чет эл фуқаросининг Россия Федерациясида вақтинча жойлашишининг муддати ФЗ № 115 да кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари, шунингдек агар бундай муддат ФЗ № 115 га мувофиқ узайтирилмаган бўлса, ҳар бир бир юз саксон суткалик давр ичида жами тўқсон суткадан ошиши мумкин эмас.

* **33.1-модда.** Чет эл фуқаросини ёки фуқаролиги бўлмаган шахсни рус тилининг ташувчиси деб тан олиш

1. Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ўзи билан Чет эл фуқаросини ёки фуқаролиги бўлмаган шахсни рус тилининг ташувчиси деб тан олиш комиссияси (қуйида – комиссия) томонидан ўтказилган сўхбатнинг натижаларига кўра рус тилининг ташувчиси, яъни агар ушбу шахслар ёки уларнинг бевосита аждодлари тарафидан қариндошлари Россия Федерацияси ҳудудида ёки Россия Федерациясининг Давлат чегараси ичида Россия империяси ёки СССР га тегишли бўлган ҳудудларда доимий яшайдиган ёки аввал доимий яшаган ҳолда, рус тилини эгаллаган ва уни оилавий-маиший ва маданий соҳада ҳамма ерда ишлатадиган шахслар деб тан олиниши мумкин.

2. Россия Федерацияси ҳудудида вақтинча жойлашган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсни рус тилининг ташувчиси деб тан олиш тўғрисида ариза чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Россия Федерацияси ҳудудида вақтинча жойлашишининг муддати тугагандан аввал кечи билан ўн беш сутка аввал берилади.

3. Россия Федерацияси ҳудудида яшайдиган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсни рус тилининг ташувчиси деб тан олиш тўғрисида ариза чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Россия Федерацияси ҳудудида яшашининг муддати тугагандан аввал кечи билан уч ой аввал берилади.

4. Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан сўхбатнинг натижаларига кўра комиссия ушбу чет эл фуқаросини ёки фуқаролиги бўлмаган шахсни рус тилининг ташувчиси деб тан олиш тўғрисида қарор қабул қилади.

5. Комиссиянинг чет эл фуқаросини ёки фуқаролиги бўлмаган шахсни рус тилининг ташувчиси деб тан олиш тўғрисида қарорининг амал қилиш муддати чекланмаган.

6. Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс рус тилининг ташувчиси деб тан олинган ҳолда ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган сўхбатнинг такрорий ўтказилишига йўл қўйилмайди.

7. Рус тилининг ташувчилари деб тан олинмаган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс, ушбу чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан аввалги рус тилининг ташувчиси деб тан олмастик тўғрисидаги қарор қабул қилингандан кейин бир йил ўтгандан кейингина, яна рус тилининг ташувчиси деб тан олиш тўғрисида ариза билан муурожаат қилишга ҳақли бўлади.

Россия Федерациясига виза олишни талаб қилмайдиган тартибда келган, ва юқори малакали мутахассис бўлган чет эл фуқароси Россия Федерациясида вақтинча жойлашининг муддати, ва унинг оила аъзоларининг Россия Федерациясида вақтинча жойлашининг муддати бундай юқори малакали мутахассисга берилган ишлаш рухсатномасининг амал қилиш муддати билан белгиланади.

Чет эл фуқароси Россия Федерациясида вақтинча жойлашининг муддати, улар сабабли унга Россия Федерациясига кириш рухсат этилган шароитлар ўзгарган ёки ҳолатлар йўқ бўлган ҳолларда, мос ҳолда узайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Чет эл фуқароси Россия Федерациясида вақтинча жойлашининг муддати унга нисбатан белгиланган тартибда Россия Федерациясига кириш рухсат этилмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинганда, шунингдек федерал қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолларда камайтиради.

Чет эл фуқароси Россия Федерациясида вақтинча жойлашининг муддатини узайтириш ёки камайтириш тўғрисида қарор ташқи ишлар масалаларини ҳал қилувчи ижроия ҳокимиятининг федерал органи томонидан, ёки миграция соҳасида ижроия ҳокимиятининг федерал органи томонидан ёки унинг ҳудудий органлари томонидан қабул қилинади.

Чет эл фуқароси вақтинча жойлашининг муддати чет эл фуқаросига ишлаш рухсатномаси ёки патент берилганда, ёки ишлаш рухсатномаси ёки патентнинг амал қилиш муддати узайтирилганда узайтиради.

Россия Федерациясига келган ва шартнома бўйича ҳарбий хизматга кирувчи чет эл фуқаросининг Россия Федерациясида вақтинча жойлашининг муддати РФ Ҳукуматининг 2003 йил 30 декабрдаги № 793-сонли «Шартнома бўйича ҳарбий хизматга кирувчи чет эл фуқароларининг Россия Федерациясида вақтинча жойлашининг муддати тўғрисида» Қарори билан белгиланган тартибда белгиланади.

Россия Федерациясига таълим мақсадида келган ва давлат аккредитациясига эга бўлган асосий касбий таълим дастури бўйича ўқиётган таълим ташкилотига кирган чет эл фуқаросининг Россия Федерациясида вақтинча жойлашининг муддати ушбу чет эл фуқаросининг ушбу таълим ташкилотига ўқиш муддати тугагунча узайтиради.

Россия Федерациясига таълим мақсадида келган ва давлат аккредитациясига эга бўлган асосий касбий таълим дастури бўйича ўқиётган таълим ташкилотига кирган чет эл фуқаросининг Россия Федерациясида вақтинча жойлашининг муддати, ушбу чет эл фуқароси худди шу таълим ташкилотига давлат аккредитациясига эга бўлган битта асосий касбий таълим дастуридан бошқа давлат аккредитациясига эга бўлган асосий касбий таълим дастурига, шу жумладан бошқа даражали таълим дастурига ўтказилган ҳолда, ушбу чет эл фуқаросининг ушбу таълим ташкилотига ўқиш муддати тугагунча узайтиради.

Россия Федерациясига таълим мақсадида келган ва давлат аккредитациясига эга бўлган асосий касбий таълим дастури бўйича ўқиётган таълим ташкилотига кирган чет эл фуқаросининг Россия Федерациясида вақтинча жойлашининг муддати, ушбу чет эл фуқароси бошқа таълим ташкилотига давлат аккредитациясига эга бўлган асосий касбий таълим дастури бўйича таълимни давом эттириш учун ўтказилган ҳолда, ушбу чет эл фуқаросининг таълимни давом эттириш учун ўтказилган таълим ташкилотига давлат аккредитациясига эга бўлган асосий касбий таълим дастури бўйича ўқиш муддати тугагунча узайтиради.

Давлат аккредитациясига эга бўлган асосий касбий таълим дастури бўйича таълимни тугатган чет эл фуқаросининг Россия Федерациясида вақтинча жойлашининг муддати, ушбу чет эл фуқароси таълим ташкилотидан ушбу давлат аккредитациясига эга бўлган асосий касбий таълим дастури бўйича таълимни тугатганлиги сабабли чиқарилган санасидан бошлаб ўттиз тақвим кунигача муддатга, худди шу ёки бошқа таълим ташкилотига давлат аккредитациясига эга бўлган асосий касбий таълим дастури бўйича ўқишга кириш мақсадида узайтирилиши мумкин.

Россия Федерациясига таълим мақсадида келган ва давлат аккредитациясига эга бўлган асосий касбий таълим дастури бўйича таълим олиш учун кирган чет эл фуқароси ўқиётган таълим ташкилоти миграция соҳасида ижроия ҳокимиятининг федерал органининг ҳудудий органига ушбу чет эл фуқароси ушбу таълим ташкилотига таълим олиши тугагани ёки тўхтатилгани ҳақида, унинг чиқариб юборилган санасидан бошлаб уч иш куни ичида билдириши лозим.

Чет эл фуқароси таълим ташкилотига таълим олиши тугагани ёки тўхтатилгани ушбу чет эл фуқаросининг Россия Федерациясида вақтинча жойлашининг муддатини камайтириш учун асос ҳисобланади.

Миллий хавфсизликни таъминлаш, меҳнат ресурсларининг энг оқилона балансини тутиб туриш, Россия Федерацияси фуқароларининг ишга жойлашувига устувор тартибда кўмаклашиш, шунингдек давлатнинг ички ва ташқи сиёсатининг бошқа вазифаларини ҳал этиш мақсадида Россия Федерациясининг ҳукумати – Россия Федерациясида вақтинча жойлашган чет эл фуқароларининг айрим тоифаларига нисбатан – чет эл фуқаросининг Россия Федера-

циясининг бир ёки бир нечта субъектлари ҳудудида ҳам, Россия Федерациясининг бутун ҳудудида ҳам вақтинча жойлашининг муддатини бир юз саксон суткагача ошириш ёки камайтириш ҳуқуқига эга.

Чет эл фуқароси вақтинча жойлашининг муддатини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилишда, Россия Федерациясининг Ҳукумати шунингдек Россия Федерацияси Ҳукумати ушбу қарорни қабул қилган пайтида Россия Федерациясида вақтинча жойлашган чет эл фуқаролари Россия Федерациясидан чиқиб кетиши шарт бўлган муддатини ҳам белгилайди.

1.2. Чет эл фуқароларининг Россия Федерациясида вақтинча яшаши

Вақтинча яшаш рухсатномаси чет эл фуқаросига, агар ушбу Федерал қонун билан бошқача белгиланган бўлмаса, Россия Федерацияси Ҳукумати томонидан тасдиқланган квотанинг доирасида берилиши мумкин. Вақтинча яшаш рухсатномасининг амал қилиш муддати уч йил.

Россия Федерацияси Ҳукумати томонидан тасдиқланган квотани ҳисобга олмаганда вақтинча яшаш рухсатномаси куйидаги чет эл фуқаросига берилиши мумкин:

- 1) РСФСР ҳудудида туғилган ва аввал СССР фуқароси бўлган ёки Россия Федерацияси ҳудудида туғилган;
- 2) меҳнатга лаёқатсиз деб тан олинган ва Россия Федерациясининг фуқароси бўлган лаёқатли ўғил ёки қизи бўлган;
- 3) ҳеч бўлмаса битта Россия Федерациясининг фуқароси бўлган меҳнатга лаёқатсиз отаси ёки онаси бўлган;
- 4) Россия Федерациясида яшаш жойи бўлган Россия Федерациясининг фуқароси билан никоҳда бўлган;
- 5) Россия Федерациясининг Ҳукумати томонидан белгиланган миқдорда Россия Федерациясида инвестицияларни амалга оширган;

6) ҳарбий хизматга кирган, унинг ҳарбий хизмати муддатида;

6.1) Чет элда яшайдиган ватандошларнинг Россия Федерациясига ихтиёрий кўчиб келишига кўмаклашининг Давлат дастурининг иштирокчиси бўлган шахс, ва у билан биргаликда Россия Федерациясига кўчиб келаётган оила аъзолари;

6.2) Россия Федерациясининг фуқароси бўлган фарзандига эга бўлган;

6.3) Россия Федерациясининг фуқароси бўлган, ўн саккиз ёшига етган ва суднинг қонуний кучга кирган қарори билан лаёқатсиз ёки лаёқати чекланган шахс деб тан олинган ўғил ёки қизи бўлган;

6.4) ўн саккиз ёшга етмаган, ушбу банднинг 1 – 6.3 оствандларида кўрсатилган чет эл фуқароси бўлган ота-онаси (ўғил (қиз) қилиб олган шахс, ҳомий, васий) билан биргаликда вақтинча яшаш рухсатномасини олаётган;

6.5) ўн саккиз ёшга етмаган, Россия Федерациясининг фуқароси бўлган ота-онаси (ўғил (қиз) қилиб олган шахс, ҳомий, васий) аризасига биноан вақтинча яшаш рухсатномасини олаётган;

6.6) ўн саккиз ёшга етган, чет эл давлатининг қонунчилигига мувофиқ лаёқатсиз ёки лаёқати чекланган шахс деб тан олинган, ушбу банднинг 1 – 6.3 оствандларида кўрсатилган чет эл фуқароси бўлган ота-онаси (ўғил (қиз) қилиб олган шахс, ҳомий, васий) билан биргаликда вақтинча яшаш рухсатномасини олаётган;

6.7) ўн саккиз ёшга етган, чет эл давлатининг қонунчилигига мувофиқ лаёқатсиз ёки лаёқати чекланган шахс деб тан олинган, Россия Федерацияси фуқароси бўлган ота-онаси (ўғил (қиз) қилиб олган шахс, ҳомий, васий) аризасига биноан вақтинча яшаш рухсатномасини олаётган;

Миграция соҳасида ижроия ҳокимияти федерал органининг ҳудудий органи Россия Федерациясида вақтинча жойлашган чет эл фуқароси берган ариза бўйича, ёки ушбу фуқаронинг яшаш давлатида Россия Федерациясининг дипломатик ваколатхонасига ёки консуллик муассасасига чет эл фуқароси берган ариза бўйича, олти ойлик муддатда чет эл фуқаросига вақтинча яшаш рухсатномасини беради ёки унга бундай рухсатнома беришни рад этади.

Миграция соҳасида ижроия ҳокимияти федерал органининг ҳудудий органига ариза умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари, шу жумладан Интернет тармоғидан, жумладан давлат ва муниципал хизматларининг ягона порталидан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжат шаклида берилиши мумкин.

Агар чет эл фуқаросига вақтинча яшаш рухсатномаси берилиши рад этилган ёки унга аввал берилган вақтинча яшаш рухсатномаси бекор қилинган бўлса, у ўзининг вақтинча яшаш рухсатномасини бериш тўғрисидаги аризаси рад этилган ёки унга аввал берилган вақтинча яшаш рухсатномаси бекор қилинган кундан бошлаб камида бир йил ўтганидан кейин худди шундай тартибда унга вақтинча яшаш рухсатномасини бериш тўғрисида ариза билан такрорий мурожаат қилишга ҳақлидир.

Вақтинча яшаш рухсатномасида чет эл фуқаросининг фамилияси, исми (рус ва латин алфавитининг ҳарфлари билан ёзилган), туғилган санаси ва жойи, жинси, фуқаролиги, рухсатномани бериш тўғрисида қарорнинг рақами ва қабул қилиш санаси, рухсатноманинг амал қилиш муддати, рухсатномани берган ижроия ҳокимияти федерал органининг номи каби маълумотлар бўлади, ва у Россия Федерация томонидан шахс тасдиқловчи деб тан олинган чет эл фуқаросининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатида белги шаклида, ёки миграция соҳасида ижроия ҳокимиятининг федерал органи томонидан тасдиқланадиган шакллардаги ҳужжат шаклида расмийлаштирилади.

Россия Федерациясида вақтинча яшайдиган чет эл фуқароси вақтинча яшаш рухсатномасини олган кунидан бошланган навбатдаги йил тугаган кунидан бошлаб икки ой ичида шахсан ёки умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари, шу жумладан Интернет тармоғидан, жумладан давлат ва муниципал хизматларининг ягона порталидан фойдаланган ҳолда вақтинча яшаш рухсатномасини олиш жойидаги миграция соҳасида ижроия ҳокимиятининг федерал органи ҳудудий органига Россия Федерациясида ўзининг яшашини тасдиқлаш хабарномасини, даромад тўғрисида маълумотнома, солиқ декларациясининг нусхаси ёки ушбу чет эл фуқароси вақтинча яшаш рухсатномасини олган кунидан бошланган навбатдаги йил учун даромадининг миқдорини ва манбаини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат илова қилинган ҳолда топшириши шарт. Ушбу хабарнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар электрон ҳужжатлар шаклида топширилиши мумкин. Агар чет эл фуқароси солиқ декларациясининг нусхасини тақдим этиш орқали даромадининг миқдорини ва манбаини тасдиқламоқчи бўлса, ушбу чет эл фуқароси ушбу ҳужжатни миграция соҳасида ижроия ҳокимияти федерал органининг ҳудудий органига тақдим этмасликка ҳақли. Бу ҳолда солиқ декларациясининг нусхаси чет эл фуқаросининг ҳисобда турган солиқ органида миграция соҳасида ижроия ҳокимияти федерал органининг ҳудудий органи томонидан мустақил ҳолда, ушбу чет эл фуқаросининг Россия Федерациясида ўзининг яшашини тасдиқлаш хабарномаси асосида сўраб олинади.

Узрли сабаблар мавжуд бўлганда ушбу хабарнома чет эл фуқароси томонидан кечроқ муддатда, лекин вақтинча яшаш рухсатномасини олган кунидан бошланган навбатдаги йил тугаган кунидан бошлаб кўпи билан олти ой ичида, ушбу банднинг биринчи хатбошида санаб ўтилган ҳужжатлар, шунингдек ушбу хабарномани белгиланган муддатда топшириш мумкин эмаслигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда топширилади. Ушбу хабарномани белгиланган муддатда топшириш мумкин эмаслигини тасдиқловчи ҳужжатлар электрон ҳужжатлар шаклида берилиши мумкин.

Ушбу хабарномани топшириш шакли ва тартиби РФ Ҳукуматининг 2007 йил 17 январдаги № 21-сонли «Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсининг Россия Федерациясида ўзининг яшашини тасдиқлаш хабарномасини топшириши Қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Қарори билан белгиланган.

1.3. Россия Федерациясига виза олишни талаб қилмайдиган тартибда келган чет эл фуқароларининг вақтинча яшаш

Вақтинча яшаш рухсатномасини олиш учун Россия Федерациясига виза олишни талаб қилмайдиган тартибда келган чет эл фуқароси, миграция соҳасида ижроия ҳокимияти федерал органининг ҳудудий органига қуйидагиларни топширади:

- 1) вақтинча яшаш рухсатномасининг берилиши тўғрисида ариза;
- 2) Россия Федерация томонидан шахс тасдиқловчи деб тан олинган чет эл фуқаросининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати;
- 3) чегара назорати органининг ушбу чет эл фуқароси Россия Федерациясига кириши тўғрисида белгиси, ёки миграция соҳасида ижроия ҳокимиятининг федерал органи ҳудудий органининг ушбу чет эл фуқаросига ушбу миграцион картанинг берилиши ҳақидаги белгиси бўлган миграцион картаси. Миграцион карта тақдим этилмаган ҳолда миграция соҳасида ижроия ҳокимияти федерал органининг ҳудудий органи бундай органда бўлган маълумот асосида миграцион картадаги чет эл фуқароси ҳақидаги маълумотни текширади;

4) вақтинча яшаш рухсатномасининг берилиши учун давлат божи тўланганлиги ҳақидаги квитанция. Ушбу квитанцияни ушбу чет эл фуқароси ўз ташаббусига биноан миграция соҳасида ижроия ҳокимиятининг федерал органига ёки унинг ҳудудий органига тақдим этишга ҳақли. Ушбу квитанция тақдим этилмаган ҳолда миграция соҳасида ижроия ҳокимиятининг федерал органи ёки унинг ҳудудий органи ушбу чет эл фуқаросига вақтинча яшаш рухсатномасининг берилиши учун давлат божи тўланганлиги ҳолатини Давлат ва муниципал тўловлари тўғрисида Давлат ахборот тизимида бўлган ахборотдан фойдаланиб, текширади.

5) ушбу чет эл фуқароси рус тилини эгалаганлиги, унинг Россия тарихини ва Россия Федерацияси қонунчилигининг асосларини билишини тасдиқловчи ҳужжат, *ФЗ № 115 нинг 15.1-моддасида кўзда тутилган ҳолларда.

Вақтинча яшаш рухсатномасини бериш тўғрисида ариза умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари, шу жумладан Интернет тармоғидан, жумладан давлат ва муниципал хизматларининг ягона порталидан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжат шаклида берилиши мумкин. Бу ҳолда ушбу чет эл фуқаросининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, чет эл фуқароси миграция соҳасида ижроия ҳокимияти федерал органининг ҳудудий органига вақтинча яшаш рухсатномасини олганда тақдим этади.

Россия Федерациясига виза олишни талаб қилмайдиган тартибда келган чет эл фуқаросидан унга вақтинча яшаш рухсатномасининг берилиши ҳақидаги аризани қабул қилиш тўғрисидаги белги унинг миграцион картасида қўйилади. Электрон ҳужжат шаклида ариза берилган ҳолда ушбу аризининг қабул қилинганлигини тасдиқловчи хабарнома ҳам аризачига электрон ҳужжат шаклида юборилади.

Россия Федерациясига виза олишни талаб қилмайдиган тартибда келган чет эл фуқароси унинг вақтинча яшаш рухсатномасининг берилиши тўғрисидаги аризасини қабул қилган миграция соҳасида ижроия ҳокимияти федерал органининг ҳудудий органига қуйидагиларни тақдим этади:

1) унда гиёҳвандлик касаллиги ва атрофдагилар учун хавфли бўладиган, Россия Федерациясининг Ҳукумати томонидан ваколатланган ижроия ҳокимияти федерал органи томонидан тасдиқланган рўйхатдан кўзда тутилган юқумли касалликлар йўқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек унда одам иммун танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касаллик (ОИТВ-юқумли касаллиги) йўқлиги ҳақидаги сертификат – қоғоз шаклида, ёки вақтинча яшаш рухсатномасининг берилиши тўғрисида ариза электрон шаклида берилган ҳолда, электрон ҳужжатлар шаклида – унга вақтинча яшаш рухсатномасини бериш тўғрисида аризани берган кунидан бошлаб ўттиз сутка давомида;

2) ушбу чет эл фуқаросини солиқ органида ҳисобга қўйиш тўғрисида гувоҳнома (хабарнома) – чет эл фуқаросининг ихтиёрига кўра унинг Россия Федерациясига келган кунидан бошлаб бир йил ичида. Агар чет эл фуқароси Россия Федерациясига келган кунидан бошлаб бир йил ичида миграция соҳасида ижроия ҳокимияти федерал органининг ҳудудий органига уни солиқ органида ҳисобга қўйиш тўғрисида маълумот келиб тушмаса, чет эл фуқаросининг солиқ органида ҳисобга қўйиш вазифаси бажарилганлигини текшириш миграция соҳасида ижроия ҳокимияти федерал

* **15.1 модда.** Чет эл фуқароларининг рус тилини эгалаганлиги, Россия тарихини ва Россия Федерацияси қонунчилигининг асосларини билишини тасдиқлаш

1. Агар Россия Федерациясининг халқаро шартномасида ва ушбу моддада бошқача кўзда тутилган бўлмаса, чет эл фуқароси ФЗ №115 нинг 13.3-моддасида кўрсатилган вақтинча яшаш рухсатномасини, яшаш гувоҳномасини, ишлаш рухсатномасини ёки патентни олиш учун мурожаат қилганда, қуйидаги ҳужжатлардан бири билан рус тилини эгалаганлиги, Россия тарихини ва Россия Федерацияси қонунчилигининг асосларини билишини тасдиқлаши шарт:

1) рус тилини эгалаганлиги, Россия тарихини ва Россия Федерацияси қонунчилигининг асосларини билиши ҳақидаги сертификат;

2) СССР таркибига кирган давлат ҳудудидаги таълим муассасаси томонидан (асосий умумий таълимдан паст бўлмаган даражада) 1991 йил 1 сентябргача берилган давлат намунасидаги таълим тўғрисида ҳужжат;

3) Россия Федерацияси ҳудудида 1991 йил 1 сентябрдан кейин давлат якуний аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсларга берилган таълим ва (ёки) малака тўғрисидаги ҳужжат.

2. Ушбу модданинг 1-банди 1-остбандида кўрсатилган сертификат, Россия Федерацияси ҳудудидаги ёки ундан ташқаридаги чет тили сифатида рус тили, Россия тарихи ва Россия Федерациясининг қонунчилиги асослари бўйича таълим ташкилотлари рўйхатига киритилган таълим ташкилотлари томонидан ушбу имтиҳонни топширган чет эл фуқароларига берилади. Ушбу модданинг 1-банди 1-остбандида кўрсатилган сертификатлар тўғрисида маълумот уларни берган таълим ташкилотлари томонидан «Таълим ва (ёки) малака тўғрисида ҳужжатлар, таълим тўғрисида ҳужжатлар ҳақида маълумотнинг Федерал реестри» федерал ахборот тизимига киритилади.

3. Ушбу модданинг 1-банди 1-остбандида кўрсатилган сертификатнинг амал қилиш муддати берилган санасидан бошлаб беш йил бўлади.

4. Вақтинча яшаш рухсатномасининг ёки яшаш гувоҳномасининг берилиши тўғрисида аризани бериш пайтида рус тилини эгалаганлиги, Россия тарихини ва Россия Федерацияси қонунчилигининг асосларини билишини тасдиқлашдан овоз этилади:

1) лаёқатсиз чет эл фуқаролари ёки лаёқати чекланган чет эл фуқаролари;

2) ўн саккиз ёшга етмаган чет эл фуқаролари;

3) олти беш ёшга етган эркак чет эл фуқаролари;

4) олти беш ёшга етган аёл чет эл фуқаролари;

5) Чет элда яшайдиган ватандошларнинг Россия Федерациясига ихтиёрий кўчиб келишига кўмаклашининг Давлат дастурининг иштирокчилари бўлган чет эл фуқаролари, ва улар билан биргаликда Россия Федерациясига кўчиб келаётган уларнинг оила аъзолари;

6) ушбу Федерал қонуннинг 13.2-моддаси 27-бандида кўрсатилган яшаш гувоҳномасининг берилиши тўғрисида ариза билан мурожаат қилган чет эл фуқаролари – юқори малакали мутахассислар ва уларнинг оила аъзолари;

7) 2002 йил 31 майдаги N 62-ФЗ сонли «Россия Федерацияси фуқаролиги тўғрисида» Федерал қонуннинг 33.1-моддасига мувофиқ рус тилининг ташувчиси деб тан олинishi муносабати билан яшаш гувоҳномасининг берилиши тўғрисида ариза билан мурожаат қилган чет эл фуқаролари.

8) чет эл тилларида оммавий ахборотни тарқатиш учун махсус тузилган оммавий ахборот воситаларини ишлаб чиқариш ва чиқаришни амалга оширувчи ташкилотларда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи чет эл фуқаролари – юқори малакали мутахассислар, чет эл фуқаролари – журналистлар, шунингдек, Россия Федерациясида касбий таълим ташкилотларида ёки олий маълумот таълим ташкилотларида давлат аккредитациясига эга бўлган асосий касбий таълим дастурлари бўйича кундузги таълим олаётган ва ушбу Федерал қонуннинг 13.4-моддасига мувофиқ меҳнат фаолиятини амалга ошираётган чет эл фуқаролари.

органининг худудий органи томонидан солиқ органига чет эл фуқаросини солиқ органида ҳисобга қўйиш тўғрисида маълумот берилиши ҳақида идоралараро сўров юбориш орқали амалга оширилади.

Россия Федерациясига виза олишни талаб қилмайдиган тартибда келган чет эл фуқаросидан, унга вақтинча яшаш рухсатномасининг берилиши тўғрисида ариза қабул қилинган кунидан кўпи билан олти сутка ичида, у ўзида гиёҳвандлик касаллиги ва атрофдагилар учун хавфли бўладиган юқумли касалликлар йўқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек унда одам иммун танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИТВ-юқумли касаллиги) йўқлиги ҳақидаги сертификатни тақдим этиши шарт билан, миграция соҳасида ижроия ҳокимияти федерал органининг худудий органи ушбу чет эл фуқаросига ваколатли ижроия ҳокимиятининг федерал органи томонидан белгиланган шаклда вақтинча яшаш рухсатномасини, ёки ушбу чет эл фуқаросига вақтинча яшаш рухсатномасини беришни рад этиш хабарномасини бериши шарт.

Вақтинча яшаш рухсатномаси чет эл фуқаросига берилмайди, аввал берилган рухсатнома эса бекор қилинади, агар ушбу чет эл фуқароси:

1) Россия Федерациясининг конституциявий тузумининг асосларини зўрлик билан ўзгартиришга интилса, бошқа ҳаракатлари билан Россия Федерациясининг ёки Россия Федерацияси фуқароларининг хавфсизлигига тажовуз қилса;

2) террористик (экстремистик) ҳаракатларни молиялаштирса, режалаштирса, бундай ҳаракатларни амалга оширишга ёрдамлашса ёки уларни амалга оширса, ҳамда бошқа ҳаракатлари билан террористик (экстремистик) фаолиятни қўллаб-қувватласа;

3) вақтинча яшаш рухсатномасининг берилиши тўғрисида аризани бериш кунидан аввалги беш йил ичида Россия Федерацияси худудидан маъмурий чиқариб юборилган, депортация қилинган ёки Россия Федерациясининг реадмиссия ҳақидаги халқаро шартномасига биноан Россия Федерацияси томонидан чет эл давлатига топширилган бўлса, ёки вақтинча яшаш рухсатномасининг берилиши тўғрисида аризани бериш кунидан аввалги ўн йил ичида Россия Федерацияси худудидан бир неча (икки ва ундан кўп) марта маъмурий чиқариб юборилган, депортация қилинган ёки Россия Федерациясининг реадмиссия ҳақидаги халқаро шартномасига биноан Россия Федерацияси томонидан чет эл давлатига топширилган бўлса;

4) қалбаки ёки ёлғон ҳужжатларни тақдим этса ёки ўзи ҳақида била туриб ёлғон маълумотни билдирса;

5) қонуний кучга кирган суднинг ҳукми билан оғир ёки ўта оғир жиноятни, ёки рецидивлари хавфли деб тан олинган жиноятни, ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларга ўхшаш моддалар ёки уларнинг прекурсорлари, таркибида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг прекурсорлари бўлган ўсимликлар, шунингдек таркибида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг прекурсорлари бўлган ўсимлик қисмларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятни содир этиш учун судланган бўлса;

6) Россия Федерацияси худудида ёки ундан ташқарида, федерал қонунга биноан шундай жиноят деб тан олинган оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этиш учун муқаддам судланганлиги бекор қилинмаган ёки сўндирилмаган бўлса;

7) бир йил ичида бир неча (икки ва ундан кўп) марта жамоат тартибига ва ижтимоий хавфсизлигига тажовуз қилиш, ёки чет эл фуқароларининг Россия Федерациясида жойлашиши (яшаши) тартибини, ёки уларнинг Россия Федерацияси худудида меҳнат фаолиятини амалга ошириши тартибини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш учун маъмурий жавобгарликка тортилган, ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларга ўхшаш моддалар ёки уларнинг прекурсорлари, таркибида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг прекурсорлари бўлган ўсимликлар, шунингдек таркибида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг прекурсорлари бўлган ўсимлик қисмларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган бўлса;

8) вақтинча яшаш рухсатномаси берилган кунидан бошлаб навбатдаги бир йил ичида бир юз саксон сутка давомида Россия Федерациясининг қонунчилиги билан белгиланган тартибда меҳнат фаолиятини амалга оширмаган, ёки худудида унга вақтинча яшаш рухсат этилган Россия Федерацияси субъектининг қонуни билан белгиланган минимал яшаш таъминотидан кам бўлмаган даражада, давлатнинг ёрдамини олмаган ҳолда, ўзини ва қарамоғидаги оила аъзоларини таъминлашга имкон берувчи миқдорда даромад олмаган бўлса ёки етарли маблағлари бўлмаса. Ушбу қоида қуйидаги чет эл фуқароларига амал қилмайди:

ўртача ойлик даромадининг миқдори ёки оила аъзоларининг ўртача жон бошига ўртача ойлик даромадининг миқдори, унинг худудида ушбу чет эл фуқаросига вақтинча яшаш рухсат этилган Россия Федерацияси субъекти-

нинг қонуни билан белгиланган минимал яшаш таъминоти даражасидан кам бўлмаган. Чет эл фуқаросининг ўртача ойлик даромади ва чет эл фуқароси оила аъзоларининг ўртача жон бошига ўртача ойлик даромади Россия Федерациясининг Ҳукумати томонидан ваколатланган ижроия ҳокимиятининг федерал органи томонидан белгиланган тартибда аниқланади;

Россия Федерациясининг касбий таълим ташкилотида кундузги таълим шаклида таълим олаётган;

Россия Федерациясида олий маълумот таълим ташкилотида, шу жумладан аспирантурада (адъюнктурада) илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш дастурлари бўйича кундузги таълим шаклида таълим олаётган;

нафақахўр ёки ногирон;

рўйхати Россия Федерациясининг Ҳукумати томонидан белгиланадиган бошқа шахслар тоифаларига кирувчи фуқаролар;

9) кириб келган кунидан бошлаб уч йил ўтгандан кейин Россия Федерациясининг қонунчиликда кўзда тутилган асосларда Россия Федерациясида турар жойи бўлмаса;

10) Россия Федерациясидан чет эл давлатига доимий яшаш учун кетган бўлса;

11) Россия Федерациясидан ташқарида олти ойдан ортиқ бўлса;

12) Россия Федерациясининг фуқароси билан вақтинча яшаш рухсатномасини олиш учун асос бўлган никоҳ тузган, ва ушбу никоҳ суд томонидан ҳақиқий эмас деб тан олинган бўлса;

13) гиёҳвандлик касаллигига учраган, ёки унда одам иммун танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИТВ-юқумли касаллиги) йўқлиги ҳақидаги сертификат бўлмаса, ёки атрофдагилар учун хавфли бўладиган юқумли касалликлардан бирига учраган бўлса;

14) Россия Федерациясига виза олишни талаб қилмайдиган тартибда келган, ва белгиланган муддатда унда гиёҳвандлик касаллиги, атрофдагилар учун хавфли бўладиган юқумли касалликлар йўқлигини тасдиқловчи ҳужжатларни, шунингдек унда одам иммун танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИТВ-юқумли касаллиги) йўқлиги ҳақидаги сертификатни тақдим этмаган бўлса.

Кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари, агар ушбу чет эл фуқароси Россия Федерациясида жойлашиши (яшаши) мақбул эмаслиги ҳақида ёки Россия Федерациясига киришига рухсат бермаслик ҳақида қарор қабул қилинган ҳолда чет эл фуқаросига вақтинча яшаш рухсатномаси берилмайди, аввал берилган рухсатнома эса бекор қилинади.

Россия Федерациясининг фуқароси бўлган фарзанди бўлган чет эл фуқаросига берилган вақтинча яшаш рухсатномаси, агар ушбу чет эл фуқароси қонуний кучга кирган суднинг қарори билан Россия Федерациясининг фуқароси бўлган фарзандига нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилса ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланса, бекор қилинади.

Миграция соҳасида ижроия ҳокимиятининг федерал органи ҳудудий органининг чет эл фуқаросига вақтинча яшаш рухсатномасини беришни рад этиш ҳақида ёки унга аввал берилган вақтинча яшаш рухсатномасини бекор қилиш ҳақидаги қарори устидан ушбу чет эл фуқароси тегишли қарор қабул қилинганлиги ҳақида хабарнома олинган кунидан бошлаб уч иш куни ичида ушбу чет эл фуқароси томонидан миграция соҳасидаги ижроия ҳокимиятининг федерал органига ёки судга шикоят қилиниши мумкин. Ушбу чет эл фуқаросининг шикоятини кўриб чиқиш даврида, федерал қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари, у Россия Федерациясида вақтинча жойлашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайди. Ушбу чет эл фуқаросининг шикояти юзасидан қарорнинг нусхалари миграция соҳасида ижроия ҳокимиятининг федерал органи томонидан бундай қарор қабул қилинган кунидан бошлаб уч иш куни ичида устидан шикоят қилинган қарорни қабул қилган миграция соҳасида ижроия ҳокимияти федерал органининг ҳудудий органига, ва ушбу чет эл фуқаросига юборилади.

1.4. Чет эл фуқароларининг Россия Федерациясида доимий яшаш

Вақтинча яшаш рухсатномасининг амал қилиш муддати давомида, ва қонуний асослар мавжуд бўлганда чет эл фуқаросига унинг аризасига биноан яшаш гувоҳномаси берилиши мумкин. Яшаш гувоҳномасининг берилиши тўғрисида ариза (**2-Илова**) чет эл фуқароси томонидан миграция соҳасида ижроия ҳокимияти федерал органининг ҳудудий органига вақтинча яшаш рухсатномасининг амал қилиш муддати тугашидан камида олти ой аввал берилади. Яшаш гувоҳномасининг берилиши тўғрисида ариза умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари, шу жумладан Интернет тармоғидан, жумладан давлат ва муниципал хизматларининг ягона порталидан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжат шаклида берилиши мумкин.

Яшаш гувоҳномасини олгунча чет эл фуқароси Россия Федерациясида вақтинча яшаш рухсатномасининг асосида камида бир йил яшаши шарт.

Яшаш гувоҳномаси чет эл фуқаросига беш йил муддатга берилади. Яшаш гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугаганда, ушбу муддат чет эл фуқаросининг миграция соҳасида ижроия ҳокимияти федерал органининг ҳудудий органига унда мавжуд бўлган яшаш гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугашидан камида икки ой аввал берилган аризасига биноан беш йилга узайтирилиши мумкин. Яшаш гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш сони чекланмаган.

Юқоридаги қоидалар:

1) юқори малакали мутахассисларга ва уларнинг оила аъзоларига;

2) *2002 йил 31 майдаги 62-ФЗ-сонли «Россия Федерациясининг фуқаролиги тўғрисида» Федерал қонуннинг 33.1-модасига мувофиқ рус тилининг ташувчиси деб тан олинган чет эл фуқароларига яшаш гувоҳномасини беришда қўлланмайди.

Яшаш гувоҳномасининг берилиши тўғрисида ариза чет эл фуқароси, яъни: юқори малакали мутахассислар ва уларнинг оила аъзолари томонидан (**3-Илова**), чет эл давлати ваколатли органининг, ушбу чет эл фуқароси ундан мавжуд бўлган чет эл давлатининг фуқаролигидан воз кечиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганлигини тасдиқловчи ҳужжати, ёки чет эл давлатининг фуқаролигидан воз кечиш мумкин эмаслиги ҳақидаги ҳужжати тақдим этилган ҳолда берилади. Агар Россия Федерациясининг халқаро шартномасида кўзда тутилган ҳолларда чет эл давлатининг фуқаролигидан воз кечиш талаб этилмайдиган бўлса, ушбу ҳужжатлар тақдим этилмайди.

Юқори малакали мутахассисларга ва уларнинг оила аъзоларига яшаш гувоҳномаси уч йил муддатга берилади.

Яшаш гувоҳномасида қуйидаги маълумотлар бўлади: чет эл фуқаросининг фамилияси, исми (рус ва латин алфавитининг ҳарфлари билан ёзилган), туғилган санаси ва жойи, жинси, фуқаролиги, яшаш гувоҳномасини бериш тўғрисида қарорнинг рақами ва қабул қилиш санаси, яшаш гувоҳномасининг амал қилиш муддати, яшаш гувоҳномасини берган ижроия ҳокимияти органининг номи, ва у Федерал миграция хизматининг 2013 йил 22 апрелдаги № 215-сонли «Федерал миграция хизмати томонидан чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Россия Федерациясида яшаш гувоҳномасини бериш давлат хизматининг Маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» буйруғи билан тасдиқланган ҳужжат шаклида (**4-Илова**) расмийлаштирилади.

Россия Федерациясида доимий яшайдиган чет эл фуқароси ҳар йили ушбу чет эл фуқароси яшаш гувоҳномасини олган жойига кўра миграция соҳасида ижроия ҳокимияти федерал органининг ҳудудий органини ўзининг Россия Федерациясида яшаётганини тасдиқлаб, хабардор этиши лозим. Ушбу чет эл фуқароси томонидан хабарномани бериш шахсан, ёки белгиланган тартибда почта жўнатмаси билан ушбу чет эл фуқаросининг шахсини тасдиқловчи ва Россия Федерацияси томонидан шундай ҳужжат деб тан олинган ҳужжатни, шунингдек унинг яшаш гувоҳномасини тақдим этган ҳолда, ёки умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари, шу жумладан Интернет тармоғидан, жумладан давлат ва муниципал хизматларининг ягона порталидан фойдаланган ҳолда хабарномани электрон ҳужжат шаклида юбориш орқали амалга оширилади. Чет эл фуқароси томонидан бошқа ҳужжатлар ёки ушбу хабарномага киритилиши лозим бўлган маълумотдан бошқа маълумотлар тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Ушбу хабарномага қуйидаги маълумотлар киритилади:

1) Россия Федерациясида доимий яшайдиган ушбу чет эл фуқаросининг исми, унга унинг фамилияси, исмининг ўзи, ота исми (охиргиси – мавжуд бўлганда) киритилади;

2) ушбу чет эл фуқаросининг яшаш жойи;

3) иш жойи (жойлари) ва ушбу чет эл фуқаросининг яшаш гувоҳномасини олган кундан бошлаб навбатдаги йил давомида меҳнат фаолиятини амалга ошириш давомийлиги;

4) ушбу чет эл фуқароси яшаш гувоҳномасини олган кундан бошлаб навбатдаги йил давомида Россия Федерациясидан ташқарида бўлишининг даври (чиқиб кетган давлатлари кўрсатилган ҳолда);

5) ушбу чет эл фуқаросининг яшаш гувоҳномасини олган кундан бошлаб навбатдаги йил давомида даромадининг миқдори ва манбалари.

Чет эл фуқаросига яшаш гувоҳномаси берилмайди, аввал берилган яшаш гувоҳномаси эса бекор қилинади, агар ушбу чет эл фуқароси:

1) Россия Федерациясининг конституциявий тузумининг асосларини зўрлик билан ўзгартиришга интилса, бошқа ҳаракатлари билан Россия Федерациясининг ёки Россия Федерацияси фуқароларининг хавфсизлигига тажовуз қилса;

2) террористик (экстремистик) ҳаракатларни молиялаштирса, режалаштирса, бундай ҳаракатларни амалга оширишга ёрдамлашса ёки уларни амалга оширса, ҳамда бошқа ҳаракатлари билан террористик (экстремистик) фаолиятни қўллаб-қувватласа;

3) яшаш гувоҳномасининг берилиши тўғрисида аризани бериш кунидан аввалги беш йил ичида Россия Федерацияси ҳудудидан маъмурий чиқариб юборилган, депортация қилинган ёки Россия Федерациясининг реадмиссия ҳақидаги халқаро шартномасига биноан Россия Федерацияси томонидан чет эл давлатига топширилган бўлса, ёки яшаш гувоҳномасининг берилиши тўғрисида аризани бериш кунидан аввалги ўн йил ичида Россия Федерацияси ҳудудидан бир неча (икки ва ундан кўп) марта маъмурий чиқариб юборилган, депортация қилинган ёки Россия Федерациясининг реадмиссия ҳақидаги халқаро шартномасига биноан Россия Федерацияси томонидан чет эл давлатига топширилган бўлса;

4) қалбаки ёки ёлғон ҳужжатларни тақдим этса ёки ўзи ҳақида била туриб ёлғон маълумотни билдирса;

5) қонуний кучга кирган суднинг ҳукми билан оғир ёки ўта оғир жиноятни, ёки рецидивлари хавфли деб тан олинган жиноятни, ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларга ўхшаш моддалар ёки уларнинг прекурсорлари, таркибида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг прекурсорлари бўлган ўсимликлар, шунингдек таркибида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг прекурсорлари бўлган ўсимлик қисмларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятни содир этиш учун судланган бўлса;

6) Россия Федерацияси ҳудудида ёки ундан ташқарида, федерал қонунга биноан шундай жиноят деб тан олинган оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этиш учун муқаддам судланганлиги бекор қилинмаган ёки сўндирилмаган бўлса;

7) бир йил ичида бир неча (икки ва ундан кўп) марта жамоат тартибига ва ижтимоий хавфсизлигига тажовуз қилиш, ёки чет эл фуқароларининг Россия Федерациясида жойлашиши (яшаши) тартибини, ёки уларнинг Россия Федерацияси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириши тартибини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш учун маъмурий жавобгарликка тортилган, ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларга ўхшаш моддалар ёки уларнинг прекурсорлари, таркибида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг прекурсорлари бўлган ўсимликлар, шунингдек таркибида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг прекурсорлари бўлган ўсимлик қисмларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган бўлса;

8) Россия Федерациясида минимал яшаш таъминотидан кам бўлмаган даражада, давлатнинг ёрдамини олмаган ҳолда, ўзини ва ўз оила аъзоларини таъминлай олиши имконининг далил-исботларини тақдим эта олмаса, чет эл фуқароси меҳнатга лаёқатсиз деб тан олинган ҳолатдан ташқари;

9) кириб келган кунидан бошлаб уч йил ўтгандан кейин Россия Федерациясининг қонунчиликда кўзда тутилган асосларда Россия Федерациясида турар жойи бўлмаса;

10) Россия Федерациясидан чет эл давлатига доимий яшаш учун кетган бўлса;

11) Россия Федерациясидан ташқарида олти ойдан ортиқ бўлса;

12) Россия Федерациясининг фуқароси билан яшаш гувоҳномасини олиш учун асос бўлган никоҳ тузган, ва ушбу никоҳ суд томонидан ҳақиқий эмас деб тан олинган бўлса;

13) гиёҳвандлик касаллигига учраган, ёки унда одам иммун танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИТВ-юқумли касаллиги) йўқлиги ҳақидаги сертификат бўлмаса, ёки атрофдагилар учун хавфли бўладиган юқумли касалликлардан бирига учраган бўлса. Бундай касалликларнинг рўйхати РФ Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2015 йил 29 июндаги № 384н-сонли «Атрофдагилар учун хавфли бўладиган ҳамда чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг вақтинча яшаш рухсатномасини, ёки яшаш гувоҳномасини, ёки патентини, ёки Россия Федерациясида ишлаш рухсатномасини беришни рад этиш ёки уларни бекор қилиш учун асос бўладиган юқумли касалликларнинг рўйхатини, шунингдек уларнинг борлиги ёки йўқлигини тасдиқлаш тартибини, шунингдек ушбу касалликлар борлиги (йўқлиги) ҳақидаги тиббий хулосанинг шаклини тасдиқлаш тўғрисида» буйруғи билан тасдиқланган.

Юқоридаги ҳолатлардан ташқари, агар белгиланган тартибда ушбу чет эл фуқароси Россия Федерациясида жойлашиши (яшаши) мақбул эмаслиги ҳақида ёки ушбу чет эл фуқароси Россия Федерациясига киришига рухсат бер-

маслик ҳақида қарор қабул қилинган ҳолда, чет эл фуқаросига яшаш гувоҳномаси берилмайди, аввал берилган яшаш гувоҳномасининг амал қилиш муддати эса узайтирилмайди ёки аввал берилган яшаш гувоҳномаси бекор қилинади.

2. Чет эл фуқароларининг меҳнат муносабатларида иштирок этишининг шартлари

Чет эл фуқаролари ўз меҳнат қобилиятларини эркин тасарруф қилиш, фаолиятининг турини ва касбини танлаш ҳуқуқидан, шунингдек ўз қобилиятларидан тадбиркорлик ва қонун билан тақиқланмаган бошқа иқтисодий фаолияти учун эркин фойдаланиш ҳуқуқидан, Россия Федерациясининг қонунчилигида кўзда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда, фойдаланади.

Белгиланган тартибда чет эл ишчиларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш рухсатномасини олган ва чет эл ишчиларининг меҳнатидан улар билан тузилган меҳнат шартномалари асосида фойдаланадиган жисмоний шахс ёки юридик шахс Иш берувчи деб ҳисобланади. Жумладан, шахсий тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган чет эл фуқароси ҳам иш берувчи сифатида иш тутиши мумкин.

Белгиланган тартибда чет эл ишчиларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш рухсатномасини олган ва чет эл ишчиларининг меҳнатидан улар билан тузилган ишларни бажариш (хизматларни кўрсатиш) бўйича фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида фойдаланадиган жисмоний шахс ёки юридик шахс ишлар (хизматлар) буюртмачиси деб ҳисобланади. Жумладан, шахсий тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган чет эл фуқароси ҳам ишлар (хизматлар) буюртмачиси сифатида иш тутиши мумкин.

Иш берувчи ва ишлар (хизматлар) буюртмачиси чет эл ишчиларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш рухсатномаси мавжуд бўлганда чет эл ишчиларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга, чет эл фуқароси эса ўн саккиз ёшга етган ҳолда, ишлаш рухсатномаси ёки патенти мавжуд бўлганда меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Ушбу тартиб куйидаги чет эл фуқароларига амал қилмайди:

- 1) Россия Федерациясида доимий ёки вақтинча яшайдиган;
- 2) Чет элда яшайдиган ватандошларнинг Россия Федерациясига ихтиёрий кўчиб келишига кўмаклашишнинг Давлат дастурининг иштирокчиси бўлган шахслар, ва улар билан биргаликда Россия Федерациясига кўчиб келаётган оила аъзолари;
- 3) чет эл давлатларининг Россия Федерациясида дипломатик ваколатхоналарининг ходимлари, консуллик муассасаларининг ходимлари, халқаро ташкилотларнинг ходимлари, шунингдек ушбу шахсларнинг хусусий уй ишчилари бўлган шахслар;
- 4) Россия Федерациясига етказиб берилган техник жиҳоз ва ускуналарнинг монтаж (шефмонтаж) ишларини, сервис ва кафолат хизмат кўрсатилишини, шунингдек кафолатдан кейинги таъмирлашни бажарадиган чет эл юридик шахсларнинг (ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчи) ходимлари бўлган шахслар;
- 5) Россия Федерациясида аккредитацияланган журналистлар;
- 6) Россия Федерациясида касбий таълим ташкилотларида ва олий маълумот таълим ташкилотларида ўқийдиган, ва таътил давомида ишларни бажарадиган (хизмат кўрсатадиган);
- 7) Россия Федерациясида касбий таълим ташкилотларида ва олий маълумот таълим ташкилотларида ўқийдиган, ва ўқишдан бўш пайтида ушбу таълим ташкилотларида, ўзи ўқийдиган бюджет ёки автоном олий маълумот таълим ташкилотлари томонидан тузилган хўжалик жамиятларида ёки хўжалик ширкатларида ишлайдиган;
- 8) Россия Федерациясига илмий ёки педагогик ходимлар сифатида таклиф қилинган шахслар, олий Россия Федерациясининг қонунчилигига мувофиқ тузилган диссертациявий кенгашлар фаолият юритадиган олий маълумот таълим ташкилотлари, давлат фан академиялари ёки уларнинг минтақавий бўлимлари, миллий тадқиқот марказлари, давлат илмий марказлари, бошқа илмий ташкилотлар томонидан, ёки Россия Федерациясининг Ҳукумати томонидан тасдиқланган мезонларга ва (ёки) рўйхатга мувофиқ бошқа илмий ташкилотлар ва инновацион ташкилотлар томонидан илмий-текшириш фаолияти билан, ёки давлат аккредитациясига эга бўлган олий маълумот таълим дастурлари бўйича педагогик фаолият билан шуғулланиш учун, ёки таълим фаолиятини амалга оширадиган бошқа ташкилотларда машғулот ўтказиш учун педагогик ходимлар сифатида таклиф қилинган ҳолда, Россия Феде-

рациясига руҳоний таълим ташкилотларида педагогик фаолият билан шуғулланиш учун кириб келаётган шахслар бундан истисно;

8.1) Россия Федерациясига иш ёки гуманитар мақсадларда ёки меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида таклиф қилинган ва бундан ташқари, илмий ташкилотларда ва олий маълумот таълим ташкилотларида, руҳоний таълим ташкилотларидан ташқари, давлат аккредитациясига эга бўлган олий маълумот таълим дастурлари бўйича педагогик фаолият билан шуғулланиш учун жалб қилинадиган шахслар;

8.3) Россия Федерациясига тиббий, педагогик ёки илмий ходимлар сифатида таклиф қилинган шахслар, агар улар халқаро тиббий кластернинг ҳудудида тегишли фаолият билан шуғулланиш учун таклиф қилинган бўлса;

9) Россия Федерациясининг халқаро шартномаларига мувофиқ ўзаро фаолият тамойили асосида, Россия Федерацияси ҳудудида белгиланган тартибда аккредитацияланган чет эл юридик шахслар ваколатхоналарининг аккредитацияланган ходимлари бўлган шахслар;

10) Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 63-моддаси тўртинчи қисмида ва 348.8-моддасида кўзда тутилган ҳолда ва тартибда меҳнат фаолиятини амалга оширадиган шахслар:

- **РФ Меҳнат кодексининг 63-моддаси 4-қисми:** Ундан бошлаб меҳнат шартномасининг тузилишига йўл қўйиладиган ёши.

- **РФ Меҳнат кодексининг 348.8-моддаси:** Ўн саккиз ёшгача бўлган спортчиларнинг меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятлари.

11) Россия Федерацияси ҳудудида қочқинлар деб тан олинган, – улар қочқинлар мақомини йўқотгунча ёки улар қочқинлар мақомидан маҳрум қилингунча;

12) Россия Федерацияси ҳудудида вақтинча паноҳ олганлар, – улар вақтинча паноҳни йўқотгунча ёки улар вақтинча паноҳдан маҳрум қилингунча.

2.1. Чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлган ишчиларнинг меҳнатини тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари

Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ишчи ҳамда иш берувчи ўртасидаги меҳнат муносабатларига Россия Федерациясининг меҳнат қонунчилиги ва меҳнат ҳуқуқининг меъёрларини ўз ичига олган бошқа ҳужжатлари билан белгиланган қоидалар тааллуқли бўлади, федерал қонунларга ёки Россия Федерациясининг халқаро шартномаларига мувофиқ чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлган ишчилар билан меҳнат муносабатлари чет эл ҳуқуқи билан тартибга солинадиган ҳолатлар бундан истисно.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўн саккиз ёшга етганидан кейин ишчилар сифатида меҳнат муносабатларига кириши ҳуқуқига эга бўлади.

Агар федерал қонунларга ёки Россия Федерациясининг халқаро шартномаларига мувофиқ иш берувчи чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлган ишчиларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш ҳуқуқига эга бўлмаса, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ва иш берувчи ўртасида меҳнат шартномаси тузилиши мумкин эмас.

Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ишчи ва иш берувчи ўртасида номуайян муддатга меҳнат шартномаси, РФ Меҳнат Кодексининг 59-моддасида кўзда тутилган ҳолларда эса – муддатли меҳнат шартномаси тузилади:

Муддатли меҳнат шартномаси қуйидаги ҳолларда тузилади:

- ишда бўлмаган ишчининг вазифаларини бажариш вақтига;
- вақтинча (икки ойгача) ишларни бажариш вақтига;
- табиий шароитлар туфайли ишлар фақат маълум давр (мавсум) давомида бажарилиши мумкин бўлган мавсумий ишларни бажариш учун;
- чет элга ишлаш учун юбориладиган шахслар билан;
- иш берувчининг одатдаги фаолияти доирасидан четга чиқадиган ишларни (реконструкция, монтаж, ишга тушириш-созлаш ишлари ва бошқа ишлар), шунингдек вақтинчалиги маълум бўлган (бир йилгача) ишлаб чиқаришни ёки кўрсатиладиган хизматлар кўламини кенгайтириш билан боғлиқ бўлган ишларни бажариш учун;
- била туриб маълум даврга тузилган ташкилотларга, ёки била туриб маълум ишни бажариш учун ишга кирувчи шахслар билан;

- ишнинг якунланиши муайян сана билан белгиланиши мумкин бўлмаган ҳолларда била туриб маълум ишни бажариш учун қабул қилинадиган шахслар билан;
- амалиёт ўташ, касбий таълим олиш ёки иш ўрганиш шаклидаги қўшимча касбий таълим олиш билан бевосита боғлиқ бўлган ишларни бажариш учун;
- маълум муддатга сайланадиган органнинг таркибига ёки сайланадиган лавозимга иш ҳақи тўланадиган ишга сайланиши, шунингдек сайланадиган органлар аъзоларининг ёки давлат ҳокимияти органларида ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларида, сиёсий партияларда ва бошқа жамоат бирлашмаларида мансабдор шахсларнинг фаолиятини бевосита таъминлаш билан боғлиқ бўлган ишга кириш ҳолатларида;
- аҳолининг бандлиги хизмати органлари томонидан вақтинчалик турдаги ишларга ва жамоатчилик ишларига юборилган шахслар билан;
- муқобил фуқаролик хизматини ўташ учун юборилган фуқаролар билан;
- Томонларнинг келишувига биноан муддатли меҳнат шартномаси тузилиши мумкин:
- кичик тадбиркорлик субъектлари (жумладан шахсий тадбиркорлар) бўлган, уларнинг ишчилари сони 35 кишидан (чакана савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасида – 20 киши) ошмайдиган иш берувчиларга ишга кирувчи шахслар билан;
- ишга кирувчи ёшига кўра нафақа олаётган нафақахўрлар билан, шунингдек уларга соғлиғининг ҳолатига кўра Россия Федерациясининг федерал қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган тартибда берилган тиббий ҳулосага биноан фақат вақтинча турдаги ишлар рухсат этилган шахслар билан;
- Узоқ Шимол ҳудудларида ва уларга тенглаштирилган ҳудудларда жойлашган ташкилотларга ишга кирувчи шахслар билан, агар бу ҳолат иш жойига кўчиш билан боғлиқ бўлса;
- ҳалокатлар, авариялар, бахтсиз ҳодисалар, эпидемиялар, эпизоотияларнинг олдини олиш, шунингдек ушбу ҳолатлар ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этиш учун шошилиш ишларни амалга ошириш учун;
- меҳнат қонунчилиги ва меҳнат ҳуқуқининг меъёрларини ўз ичига олган бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган тартибда ўтказилган тегишли лавозимни эгаллаш юзасидан танлов асосида танланган шахслар билан;
- оммавий ахборот воситалари, кинематография ташкилотлари, театрлар, театрал ва концерт ташкилотлари, циркларнинг ижодий ишчилари билан, ва асарларни яратишда ва (ёки) ижро этишда (кўргазмага қўйишда) иштирок этувчи бошқа шахслар билан, Россия Федерациясининг Ҳукумати томонидан Россия ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича уч томонлама комиссиясининг фикрини ҳисобга олган ҳолда тасдиқланадиган ушбу ишчиларнинг ишлари, касблари, лавозимлари рўйхатларига биноан;
- ташкилий-ҳуқуқий шакли ва мулк шаклидан қатъи назар, ташкилотларнинг раҳбарлари, раҳбарларининг ўринбосарлари ва бош ҳисобчилари билан;
- кундузги ўқиш шакли бўйича таълим олаётган шахслар билан;
- Россиянинг халқаро кемалар реестрида рўйхатдан ўтказилган денгиз кемалари, ички сузиш кемалари ва ара-лаш (дарё – денгиз) сузиб юриш кемаларининг экипажлари аъзолари билан;
- ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар билан.

Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ишчи билан меҳнат шартномасида қуйидагилар тўғрисида маълумот кўрсатилади:

Россия Федерациясида чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолатига оид қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган ишлаш рухсатномаси ёки патент (қуйида – ишлаш рухсатномаси ёки патент), Россия Федерациясининг федерал қонунлари ёки халқаро шартномалари билан белгиланган ҳолатлардан ташқари, – Россия Федерациясида вақтинча жойлашган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан меҳнат шартномаси тузилганда;

Россия Федерациясида чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолатига оид қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган Россия Федерациясида вақтинча яшаш рухсатномаси (қуйида – вақтинча яшаш рухсатномаси), Россия Федерациясининг федерал қонунлари ёки халқаро шартномалари билан белгиланган ҳолатлардан ташқари, – Россия Федерациясида вақтинча яшайдиган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан меҳнат шартномаси тузилганда;

Россия Федерациясида чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолатига оид қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган яшаш гувоҳномаси (қуйида – яшаш гувоҳномаси), Россия Федерациясининг федерал қонунлари ёки халқаро шар-

тномалари билан белгиланган ҳолатлардан ташқари, – Россия Федерациясида доимий яшайдиган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан меҳнат шартномаси тузилганда.

Россия Федерациясида вақтинча яшайдиган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ишчи билан меҳнат шартномасига, Россия Федерациясининг федерал қонунлари ёки халқаро шартномалари билан белгиланган ҳолатлардан ташқари, меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати давомида бундай ишчига тиббий ёрдамни кўрсатишнинг асосларини, шу жумладан ихтиёрий тиббий суғурталашнинг шартномаси (полиси) ёки иш берувчи томонидан тиббий ташкилот билан бундай ишчига пуллик тиббий хизматларни тақдим этиш юзасидан тузилган шартноманинг реквизитларини кўрсатиш шартининг киритилиши мажбурий ҳисобланади. Ихтиёрий тиббий суғурталашнинг шартномаси (полиси) ёки иш берувчи томонидан тиббий ташкилот билан чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ишчига пуллик тиббий хизматларни тақдим этиш юзасидан тузилган шартнома, бундай ишчига бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг ва шошилиш турдаги ихтисослашган тиббий ёрдамнинг кўрсатилишини таъминлаши лозим.

Меҳнат шартномаси тузилганда ишга кираётган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс иш берувчига куйидагиларни тақдим этади:

1. Россия Федерацияси ҳудудида амалда бўлган ихтиёрий тиббий суғурталашнинг шартномаси (полиси), иш берувчи томонидан тиббий ташкилот билан чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ишчига пуллик тиббий хизматларни тақдим этиш юзасидан шартнома тузиладиган ҳолатлардан, ва Россия Федерациясининг федерал қонунлари ёки халқаро шартномалари билан белгиланган ҳолатлардан ташқари, – Россия Федерациясида вақтинча жойлашган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан меҳнат шартномаси тузилганда. Ихтиёрий тиббий суғурталашнинг шартномаси (полиси) ёки иш берувчи томонидан тиббий ташкилот билан чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ишчига пуллик тиббий хизматларни тақдим этиш юзасидан тузилган шартнома, бундай ишчига бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг ва шошилиш турдаги ихтисослашган тиббий ёрдамнинг кўрсатилишини таъминлаши лозим;

2. Ишлаш рухсатномаси ёки патент, Россия Федерациясининг федерал қонунлари ёки халқаро шартномалари билан белгиланган ҳолатлардан ташқари, – Россия Федерациясида вақтинча жойлашган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан меҳнат шартномаси тузилганда;

3. Россия Федерациясида вақтинча яшаш рухсатномаси, Россия Федерациясининг федерал қонунлари ёки халқаро шартномалари билан белгиланган ҳолатлардан ташқари, – Россия Федерациясида вақтинча яшайдиган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан меҳнат шартномаси тузилганда;

4. Яшаш гувоҳномаси, Россия Федерациясининг федерал қонунлари ёки халқаро шартномалари билан белгиланган ҳолатлардан ташқари, – Россия Федерациясида доимий яшайдиган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан меҳнат шартномаси тузилганда.

Ишлаш рухсатномаси, агар Меҳнат кодексига мувофиқ тузилган ва расмийлаштирилган меҳнат шартномаси ишлаш рухсатномасини олиш учун зарур бўлса, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан иш берувчига улар меҳнат шартномасини тузганидан кейин тақдим этилиши мумкин. Бу ҳолда меҳнат шартномаси чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ишлаш рухсатномасини олиши кундан бошлаб ёки ундан кейингина кучга киради, ишлаш рухсатномаси ҳақида маълумот эса меҳнат шартномасига киритилади.

Меҳнат шартномасини тузишда ишга кирувчи чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс, Россия Федерациясининг федерал қонунлари ёки халқаро шартномалари, Россия Федерацияси Президентининг фармонлари, Россия Федерацияси Ҳукуматининг қарорлари билан белгиланган ҳолатлардан ташқари, иш берувчига ҳарбий ҳисобда туриш ҳужжатларини тақдим этмайди.

2.1.1. Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ишчини вақтинча бошқа ишга ўтказишнинг хусусиятлари

Табий ёки техноген турдаги ҳалокат, ишлаб чиқариш аварияси, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса, ёнғин, сув тошқини, очлик, зилзила, эпидемия ёки эпизоотия ҳолатида ва бутун аҳолининг ёки унинг бир қисмининг ҳаётини ёки нормал яшаш шароитини хавф остига қўядиган ҳар қандай фавкулудда ҳолларда, ишларнинг тўхташи (иктисодий, технологик, техник ёки ташкилий турдаги сабабларга кўра ишларни вақтинча тўхтатиш), мулкнинг нобуд бўлиши ёки бузилишининг олдини олиш зарур бўлганда, ёки вақтинча бўлмаган ишчининг ўрнини босиш ҳолларида, агар

ишларнинг тўхташи ёки мулкнинг нобуд бўлиши ёки бузилишининг олдини олиш, ёки вақтинча бўлмаган ишчининг ўрнини босиш зарурияти фавқулодда ҳолатлар туфайли юзага келган бўлса, чет эл фуқароси бўлган ишчи, унинг розилигисиз бир ойгача муддатга ва тақвим йилида кўпи билан бир марта, бундай ишчи уларнинг асосида меҳнат фаолиятини амалга оширадиган ишлаш рухсатномасида ёки патентда кўрсатилган касбни (мутахассислигини, лавозимини, меҳнат фаолиятининг турини) ҳисобга олмаган ҳолда худди шу иш берувчида меҳнат шартномасида белгиланмаган ишга ўтказилиши мумкин.

Агар вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддати тугаганда, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ишчига аввалги ишни бериш мумкин бўлмаса, у билан тузилган меҳнат шартномаси РФ Меҳнат кодексининг 327.6-моддаси биринчи қисмининг 10-бандига биноан тугатилади: Ушбу Кодекснинг 327.4-моддаси иккинчи қисмига биноан вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддати тугаганда, ишчига аввалги ишни бериш мумкин эмаслиги.

2.1.2. Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ишчини ишдан четлатишнинг хусусиятлари

Иш берувчи чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ишчини қуйидаги ҳолларда ишдан четлатиши (ишга қўймаслиги) шарт:

1. чет эл ишчиларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш рухсатномасининг амал қилиши тўхтатилган, амал қилиш муддати тугаган, Россия Федерациясининг федерал қонунлари ёки халқаро шартномалари билан белгиланган ҳолатлардан ташқари, – Россия Федерациясида вақтинча жойлашган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан;

2. ишлаш рухсатномаси ёки патентнинг амал қилиш муддати тугаган, Россия Федерациясининг федерал қонунлари ёки халқаро шартномалари билан белгиланган ҳолатлардан ташқари, – Россия Федерациясида вақтинча жойлашган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан;

3. Россия Федерациясида вақтинча яшаш рухсатномасининг амал қилиш муддати тугаган, Россия Федерациясининг федерал қонунлари ёки халқаро шартномалари билан белгиланган ҳолатлардан ташқари, – Россия Федерациясида вақтинча яшайдиган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан;

4. Россия Федерациясида яшаш гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугаган, Россия Федерациясининг федерал қонунлари ёки халқаро шартномалари билан белгиланган ҳолатлардан ташқари, – Россия Федерациясида доимий яшайдиган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан;

5. Россия Федерацияси ҳудудида бундай ишчига бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг ва шошилиш турдаги ихтисослашган тиббий ёрдамнинг кўрсатилишини таъминлайдиган ихтиёрий тиббий суғурталашнинг шартномаси (полиси) амал қилиш муддати тугаган ёки иш берувчи томонидан тиббий ташкилот билан чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ишчига пуллик тиббий хизматларни тақдим этиш юзасидан тузилган шартноманинг амал қилиш муддати тугаган, Россия Федерациясининг федерал қонунлари ёки халқаро шартномалари билан белгиланган ҳолатлардан ташқари, – Россия Федерациясида вақтинча жойлашган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан.

2.1.3. Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ишчи билан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг хусусиятлари

Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ишчи билан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асослари:

1. чет эл ишчиларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш рухсатномасининг амал қилишини тўхтатиш, амал қилиш муддатининг тугаши, бекор қилиниши, Россия Федерациясининг федерал қонунлари ёки халқаро шартномалари билан белгиланган ҳолатлардан ташқари, – Россия Федерациясида вақтинча жойлашган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан;

2. ишлаш рухсатномасининг ёки патентнинг бекор қилиниши, Россия Федерациясининг федерал қонунлари ёки халқаро шартномалари билан белгиланган ҳолатлардан ташқари, – Россия Федерациясида вақтинча жойлашган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан;

3. Россия Федерациясида вақтинча яшаш рухсатномасининг бекор қилиниши, Россия Федерациясининг федерал қонунлари ёки халқаро шартномалари билан белгиланган ҳолатлардан ташқари, – Россия Федерациясида вақтинча яшайдиган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан;

4. Россия Федерациясида яшаш гувоҳномасининг бекор қилиниши, Россия Федерациясининг федерал қонунлари ёки халқаро шартномалари билан белгиланган ҳолатлардан ташқари, – Россия Федерациясида доимий яшайдиган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан;

5. ишлаш рухсатномаси ёки патентнинг амал қилиш муддатининг тугаши, Россия Федерациясининг федерал қонунлари ёки халқаро шартномалари билан белгиланган ҳолатлардан ташқари, – Россия Федерациясида вақтинча жойлашган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан;

6. Россия Федерациясида вақтинча яшаш рухсатномасининг амал қилиш муддатининг тугаши, Россия Федерациясининг федерал қонунлари ёки халқаро шартномалари билан белгиланган ҳолатлардан ташқари, – Россия Федерациясида вақтинча яшайдиган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан;

7. Россия Федерациясида яшаш гувоҳномасининг амал қилиш муддатининг тугаши, Россия Федерациясининг федерал қонунлари ёки халқаро шартномалари билан белгиланган ҳолатлардан ташқари, – Россия Федерациясида доимий яшайдиган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан;

8. Россия Федерацияси ҳудудида бундай ишчига бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг ва шошилиш турдаги ихтисослашган тиббий ёрдамнинг кўрсатилишини таъминлайдиган ихтиёрий тиббий суғурталашнинг шартномаси (полиси) амал қилиш муддати тугаши, ёки иш берувчи томонидан тиббий ташкилот билан чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ишчига пуллик тиббий хизматларни тақдим этиш юзасидан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатининг тугаши, Россия Федерациясининг федерал қонунлари ёки халқаро шартномалари билан белгиланган ҳолатлардан ташқари, – Россия Федерациясида вақтинча жойлашган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан;

9. чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ишчиларнинг сонини федерал қонунлар, Россия Федерацияси Президентининг фармонлари, Россия Федерацияси Ҳукуматининг қарорлари билан белгиланган эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг меҳнат фаолиятини амалга ошириши юзасидан чеклашларига мувофиқ ҳолга келтириш;

10. вақтинча бошқа ишга ўтказишнинг муддати тугаганда ишчига аввалги ишни бериш мумкин эмаслиги;

11. ишчини вақтинча бошқа ишга ўтказишнинг мумкин эмаслиги.

Меҳнат шартномаси 5 – 8 бандларда кўзда тутилган асослар бўйича тегишли ҳолатлар юзага келган кундан бошлаб бир ой тугаганда тугатилиши лозим.

9-бандда кўзда тутилган асос бўйича, меҳнат шартномаси тегишли федерал қонунлар, Россия Федерацияси Президентининг фармонлари, Россия Федерацияси Ҳукуматининг қарорлари билан белгиланган муддат тугашидан кеч бўлмаган санада тугатилади.

10 ва 11-бандларида кўзда тутилган асослар бўйича меҳнат шартномасининг тугатилиши тўғрисида, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ишчи, иш берувчи томонидан ишдан бўшатишдан камида уч тақвим куни аввал ёзма шаклида огоҳлантирилиши лозим.

2.1.4. Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ишчига ишдан бўшатишда нафақани тўлашнинг хусусиятлари

Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ишчига қуйидагилар сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинганда икки ҳафталик ўртача иш ҳақи миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси тўланади:

1. ишчининг тиббий хулосага мувофиқ унга зарур бўлган бошқа ишга ўтказилишидан воз кечиши;

2. ишчининг ҳарбий хизматга чақирилиши ёки унинг ўрнини босувчи муқобил фуқаролик хизматига йўналтирилиши;

3. аввал ушбу ишни бажарган ишчининг шу ишда тикланиши;

4. ишчининг иш берувчи билан бирга бошқа ҳудудга ишга ўтказилишидан воз кечиши;

5. ишчининг тиббий хулосага мувофиқ меҳнат фаолиятига умуман лаёқатсиз деб тан олинishi;

6. ишчининг меҳнат шартномасининг маълум шартлари ўзгариши сабабали ишни давом эттиришдан воз кечиши;

7. бундай ишчига унинг асосида ишлаш рухсатномаси берилган чет эл ишчиларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш рухсатномаси амал қилишининг тўхтатилиши ёки бекор қилиниши.

2.2. Россия Федерациясига виза олишни талаб қилмайдиган тартибда келган чет эл фуқароларининг патент асосидаги меҳнат фаолиятининг хусусиятлари

Патент олиш учун чет эл фуқароси Россия Федерациясига кириб келган кунидан бошлаб ўттиз тақвим куни ичида, миграция соҳасида ижроия ҳокимияти федерал органининг ҳудудий органига қуйидагиларни шахсан ёки Россия Федерациясининг субъекти томонидан ваколатланган ташкилот орқали тақдим этади:

1) патентнинг берилиши тўғрисида ариза;
2) ушбу чет эл фуқаросининг шахсини тасдиқловчи ва Россия Федерацияси томонидан шундай ҳужжат сифатида тан олинган ҳужжат;

3) Россия Федерациясига келишнинг мақсади сифатида ишлаш кўрсатилган, ва федерал хавфсизлик хизмати-нинг чегара органининг ушбу чет эл фуқароси Россия Федерациясига кириб келганлиги ҳақида белгиси ёки миграция соҳасида ижроия ҳокимиятининг федерал органи ҳудудий органининг ушбу чет эл фуқаросига мазкур миграцион карта берилганлиги ҳақида белгиси қўйилган миграцион картаси. Ушбу ҳужжат тақдим этилмаган ҳолда миграция соҳасида ижроия ҳокимияти федерал органининг ҳудудий органи, бундай органда мавжуд бўлган, миграцион картадаги чет эл фуқароси тўғрисидаги маълумотларни текширади;

4) Россия Федерациясининг қонунчилигига мувофиқ тузилган суғурта ташкилоти билан тузилган, Россия Федерацияси ҳудудида ушбу чет эл фуқаросининг меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида амалда бўлган ихтиёрий тиббий суғурталашнинг шартномаси (полиси), ёки унинг ҳудудида ушбу чет эл фуқароси меҳнат фаолиятини амалга оширмақчи бўлган Россия Федерацияси субъектида жойлашган тиббий ташкилот билан тузилган пуллик тиббий хизматларни тақдим этиш тўғрисида шартнома. Ихтиёрий тиббий суғурталашнинг шартномаси (полиси) ёки тиббий ташкилот билан пуллик тиббий хизматларни тақдим этиш юзасидан тузилган шартнома, чет эл фуқаросига бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг ва шошилиш турдаги ихтисослашган тиббий ёрдамнинг кўрсатилишини таъминлаши лозим;

5) ушбу чет эл фуқаросида гиёҳвандлик касаллиги йўқлигини тасдиқловчи ва инсон организмида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалари ва уларнинг метаболитлари мавжудлигини кимёвий-токсикологик текширишларни ҳамда Россия Федерациясининг Ҳукумати томонидан ваколатланган ижроия ҳокимиятининг федерал органи тасдиқлаган рўйхатда кўзда тутилган атрофдагилар учун хавфли бўлган юқумли касалликлар борлигини текширишни ўз ичига олган тиббий кўрик натижалари бўйича берилган ҳужжатлар, шунингдек ушбу чет эл фуқаросида инсон иммун танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИТВ-юқумли касаллиги) йўқлиги ҳақидаги сертификат. Ушбу ҳужжатлар ва сертификат, агар Россия Федерациясининг халқаром шартномаси ёки федерал қонунда бошқача кўзда тутилган бўлмаса, Россия Федерацияси ҳудудида бўлган тиббий ташкилотлар томонидан берилади.

Россия Федерацияси субъектининг олий давлат ҳокимияти ижроия органи Россия Федерациясининг ушбу субъекти ҳудудида ушбу остбандда кўрсатилган ҳужжатларни беришга ваколатланган тиббий ташкилотларнинг рўйхатини белгилаши шарт;

6) СССР таркибига кирган давлатнинг ҳудудида 1991 йил 1 сентябргача таълим муассасаси томонидан берилган, ушбу чет эл фуқароси рус тилини эгаллаганлиги, унинг Россия тарихини ва Россия Федерацияси қонунчилигининг асосларини билишини тасдиқловчи ҳужжат (рус тилини эгаллаганлиги, унинг Россия тарихини ва Россия Федерацияси қонунчилигининг асосларини билиши тўғрисида сертификат; давлат намунасидаги таълим тўғрисида ҳужжат (асосий умумий таълимдан паст бўлмаган даражада); 1991 йил 1 сентябрдан кейин Россия Федерацияси ҳудудида давлат якуний аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсларга берилган таълим тўғрисида ва (ёки) малакаси тўғрисида ҳужжат.

7) ҳужжатлар Россия Федерациясига кириб келган кунидан бошлаб ўттиз тақвим куни ўтганда тақдим этилган ҳолда, патентни расмийлаштириш учун мурожаат муддати бузилганлиги учун жарима тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

8) чет эл фуқаросини жойлашиш жойига кўра ҳисобга қўйиш тўғрисида ҳужжатлар. Ушбу ҳужжат тақдим этилмаганда миграция соҳасида ижроия ҳокимияти федерал органининг ҳудудий органи бундай органда мавжуд бўлган ахборот асосида чет эл фуқаросини жойлашиш жойига кўра ҳисобга қўйиш тўғрисида маълумотни текширади.

Юқоридаги 1, 2, 4 – 7 остбандларда кўрсатилган ҳужжатлардан бирортаси тақдим этилмаган, ёки миграция соҳасида ижроия ҳокимиятининг федерал органи томонидан Россия Федерацияси субъекти ҳудудида патентлар берилиши маълум муддатга тўхтатилиши ҳақида қарор қабул қилинган, ёки Россия Федерациясининг Ҳукумати то-

монидан Россия Федерациясида ҳудудида патентлар берилиши маълум муддатга тўхтатилиши ҳақида қарор қабул қилинган, ёки ариза берилиши санасидан аввалги бир йил давомида патентни бериш ёки қайта расмийлаштиришни рад этиш, ёки патентни бекор қилиш мавжуд бўлган ҳоллардан ташқари, патент берилиши тўғрисида аризани рад этишга йўл қўйилмайди.

Миграция соҳасида ижроия ҳокимиятининг федерал органи томонидан Россия Федерацияси субъекти ҳудудида патентлар берилиши маълум муддатга тўхтатилиши ҳақида қарор қабул қилиниши, ёки Россия Федерациясининг Ҳукумати томонидан Россия Федерациясида ҳудудида патентлар берилиши маълум муддатга тўхтатилиши ҳақида қарор қабул қилиниши сабабли патент берилиши тўғрисида аризани рад этиш тегишли қарор қабул қилинган кунидан бошлаб ўн кун ўтганда амалга оширилади.

Патент чет эл фуқаросига бир ойдан ўн икки ойгача муддатга берилади.

Патентнинг амал қилиш муддати бир неча марта бир ой ва ундан ортиқ муддатга узайтирилиши мумкин. Бунда узайтиришларни ҳисобга олганда патентнинг умумий амал қилиш муддати патент берилган кунидан бошлаб ўн икки ойдан ошиши мумкин эмас.

Патентнинг амал қилиш муддати қатъий белгиланган аванс тўлови шаклидаги жисмоний шахсларнинг даромад солиғи тўланган даврга узайтирилган деб ҳисобланади. Бу ҳолда миграция соҳасида ижроия ҳокимиятининг федерал органи ҳудудий органларига мурожаат қилиш талаб этилмайди.

Акс ҳолда, патентнинг амал қилиш муддати қатъий белгиланган аванс тўлови шаклидаги жисмоний шахсларнинг даромад солиғи тўланган даврнинг охириги кунидан кейинги кундан бошлаб, тўхтатилади.

Патент чет эл фуқаросига шахсан, унинг шахсини тасдиқловчи ва Россия Федерация томонидан шундай ҳужжат деб тан олинган ҳужжат, шунингдек Россия Федерациясининг солиқлар ва йиғимларга оид қонунчилиги билан белгиланган тартибда қатъий белгиланган аванс тўлови шаклидаги жисмоний шахсларнинг даромад солиғи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилганда, берилади.

Патент берилган кунидан бошлаб икки ой ичида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи чет эл фуқароси, патентни берган миграция соҳасида ижроия ҳокимияти федерал органининг ҳудудий органига, меҳнат шартномасининг ёки ишларни бажариш (хизмат кўрсатиш) бўйича фуқаролик-ҳуқуқий шартномасининг нусхасини шахсан тақдим этиши ёки топширилганлиги ҳақида хабарнома билан, буюртма почта жўнатмаси орқали юбориши шарт.

Меҳнат шартномасининг ёки ишларни бажариш (хизмат кўрсатиш) бўйича фуқаролик-ҳуқуқий шартномасининг нусхаси келиб тушганда, миграция соҳасида ижроия ҳокимияти федерал органининг ҳудудий органи юридик шахслар ёки шахсий тадбиркорлар бўлган иш берувчининг ёки ишлар (хизматлар) буюртмачисининг юридик шахсларнинг ягона давлат реестрида ёки шахсий тадбиркорларнинг ягона давлат реестрида рўйхатдан ўтказилганлигини текширишни бажаради.

Патент берилган кунидан бошлаб ўн икки ой тугашидан кечи билан ўн иш куни аввалроқ, чет эл фуқароси патентни берган миграция соҳасида ижроия ҳокимияти федерал органининг ҳудудий органига патентни қайта расмийлаштириш учун мурожаат қилишга ҳақлидир. Бунда патентни қайта расмийлаштириш учун мурожаат қилиш сони бир мартадан ошиши мумкин эмас.

3. ОИТВ юқумли касаллиги йўқлиги ҳақидаги сертификат

Россия Федерациясига чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг уч ойдан ортиқ муддатга кириб келишининг мажбурий шarti, уларда ОИТВ-юқумли касаллиги йўқлиги ҳақидаги сертификатни тақдим этиши ҳисобланади.

Ушбу қоида чет эл давлатларининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг ходимларига, халқаро давлатлараро ташкилотлар ходимларига ва уларнинг оила аъзоларига амал қилмайди.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Россия Федерациясига уч ойдан ортиқ муддатга кириб келиш учун виза олишга мурожаат қилганда тақдим этадиган ОИТВ-юқумли касаллиги йўқлиги ҳақидаги сертификатга қўйиладиган талаблар Россия Федерацияси Ҳукуматининг 1995 йил 25 ноябрдаги № 1158-сонли «Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Россия Федерациясига уч ойдан ортиқ муддатга кириб келишга виза учун мурожаат қилганда тақдим этилган ОИТВ-юқумли касаллиги йўқлиги ҳақидаги сертификатга қўйиладиган талабларни тасдиқлаш тўғрисида» қарори билан тасдиқланган.

Юқоридаги талабларга мувофиқ сертификатда қуйидагилар бўлиши лозим:

1) паспорт маълумотлари ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатнинг маълумотлари (текширилган шахснинг исми, фамилияси; туғилган куни, ойи, йили; паспорт рақами ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатнинг рақами; доимий ёки асосан жойлашиш давлати);

2) Россия Федерациясида жойлашишнинг режалаштирилган даври ҳақида маълумоти;

3) ОИТВ-юқумли касаллиги борлиги юзасидан текшириш ўтказилгани ҳақида маълумот (ўтказилган текширишнинг санаси; текширишни бажарган шифокорнинг имзоси; текшириш ўтказилган диагностикаумнинг серияси; текшириш ўтказилган муассасанинг муҳри; текширилган шахснинг имзоси).

Сертификат рус ва инглиз тилларида тўлдирилади, ва текшириш ўтказилган пайтидан бошлаб уч ой муддатда ҳақиқий бўлади.

Тиббий кўрик тиббий ташкилотларда ўтказилади ва шу жумладан тегишли лаборатория текширишларини ўз ичига олади.

ОИТВ-юқумли касаллиги йўқлиги ҳақидаги сертификатни фақат давлат ёки муниципал соғлиқни сақлаш тизимидаги тиббий ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Тиббий кўриқдан ўтувчи шахс бунда ўз қонуний вакили иштирок этиши ҳуқуқига эга бўлади. Вакилликни расмийлаштириш Россия Федерациясининг фуқаролик қонунчилиги билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

14 ёшгача бўлган вояга етмаган шахсларни ва қонунчилик билан белгиланган тартибда лаёқатсиз деб тан олинган шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш, уларнинг қонуний вакилларининг илтимоси билан ёки розилиги билан ўтказилиши мумкин, улар тиббий кўрикни ўтказишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш ОИТВ-юқумли касаллигининг профилактикаси масалалари бўйича дастлабки ва кейинги маслаҳатлар олиш билан ўтказилади.

4. Чет эл фуқароларини Россия Федерациясидан депортация қилиш

Чет эл фуқароларида (фуқаролиги бўлмаган шахсларда) ОИТВ-юқумли касаллиги аниқланганда, улар депортация қилинади. Депортация (лат. deportatio) шахсни бошқа давлатга мажбурий тартибда чиқарилишини, одатда конвой остида, ёки давлатдан бошқа давлатга сургун қилишни билдиради.

2002 йил 25 июлдаги № 115-ФЗ сонли «Чет эл фуқароларининг Россия Федерациясида ҳуқуқий ҳолати тўғрисида» Федерал қонунда депортация деганда унинг Россия Федерациясида кейинги жойлашиши (яшаши) учун қонуний асослари йўқолиши ёки тугатилиши ҳолатида чет эл фуқаросини Россия Федерациясидан мажбурий чиқариб юборилиши кўзда тутилади.

РФ Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2015 йил 29 июндаги N 384н сонли «Атрофдагилар учун хавfli бўладиган ҳамда чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг вақтинча яшаш рухсатномасини, ёки яшаш гувоҳномасини, ёки патентини, ёки Россия Федерациясида ишлаш рухсатномасини беришни рад этиш ёки уларни бекор қилиш учун асос бўладиган юқумли касалликларнинг рўйхатини, шунингдек уларнинг борлиги ёки йўқлигини тасдиқлаш тартибини, шунингдек ушбу касалликлар борлиги (йўқлиги) ҳақидаги тиббий хулосанинг шаклини тасдиқлаш тўғрисида» буйруғи билан, ушбу шахсларга Россия Федерацияси ҳудудида бўлишига тўсқинлик қиладиган касалликларга қуйидагилар киритилган.

Т/р	Касаллик коди	Касаллик номи
1.	A15 – A19	Сил
2.	A30	Лепра, мохов (Гансен касаллиги)
3.	A50 – A53	Сифилис, захм
4.	B20 – B24 Z21	Инсон иммун танқислиги вируси (ОИТВ) келтириб чиқарадиган касаллик Инсон иммун танқислиги вируси (ОИТВ) келтириб чиқарадиган аломатсиз юқумли мақоми

Россия Федерациясининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида Кодекснинг 3.10-моддасига мувофиқ чет эл фуқароларининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Россия Федерацияси ҳудудидан ташқарига маъмурий

чиқарилиши ушбу фуқаролар ва шахсларнинг Россия Федерацияси Давлат Чегараси орқали Россия Федерацияси ҳудудидан ташқарига мажбурий ва назорат қилинадиган кўчирилиши, Россия Федерациясининг қонунчилигида кўзда тутилган ҳолларда эса – чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Россия Федерациясидан назорат қилинадиган мустақил чиқиб кетишидан иборат.

Чет эл фуқаросининг Россия Федерацияси ҳудудидан ташқарига маъмурий чиқарилиши чиқарилаётган чет эл фуқаросининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, бундай маблағлари бўлмаганда, ёки агар чет эл ишчиси Россия Федерациясининг қонунчилик билан белгиланган тартибни ҳамда чет эл ишчиларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартибини бузган ҳолда ишга қабул қилинган бўлса – уни таклиф қилган орган, чиқарилаётган чет эл фуқароси унинг фуқароси бўлган чет эл давлатининг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси, халқаро ташкилот ёки унинг ваколатхонаси, жисмоний ёки юридик шахснинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Россия Федерацияси Ҳукуматининг 2002 йил 24 октябрдаги № 769-сонли Қарори билан Депортация тадбирларига маблағларни сарфлаш Қоидалари тасдиқланган.

Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг депортацияси ёки маъмурий чиқариб юборилиши тадбирларига ажратиладиган маблағлар қуйидагиларга сарфланади:

а) Депортация қилинадиган ёки маъмурий чиқариб юбориладиган чет эл фуқароси (фуқаролиги бўлмаган шахс) учун йўл ҳужжатларини, Россия Федерациясининг қонунчилиги билан белгиланган ҳолларда – шунингдек ушбу чет эл фуқаросини (фуқаролиги бўлмаган шахс) кузатувчи ички ишлар органи ёки Федерал миграция хизмати ҳудудий органининг мансабдор шахслари учун йўл ҳужжатларини сотиб олиш;

б) чет эл фуқаросини (фуқаролиги бўлмаган шахс) ички ишлар органи ёки чегара хизмати органининг махсус ажратилган хонасида ёки Россия Федерацияси субъектининг қонуни билан белгиланган тартибда тузиладиган махсус муассасада, депортация ёки маъмурий чиқариб юбориш тўғрисидаги қарорнинг ижро этилишигача сақлаш;

в) чет эл фуқаросини (фуқаролиги бўлмаган шахс) депортация қилиш ёки маъмурий чиқариб юбориш учун зарур бўлган ҳужжатларни расмийлаштириш учун;

г) чет эл фуқаросини (фуқаролиги бўлмаган шахс) депортация қилиш ёки маъмурий чиқариб юбориш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

Ташқи ишлар масалаларини идора қиладиган ижроия ҳокимиятининг федерал органи (Россия ТИВ), чиқарилаётган чет эл фуқароси унинг фуқароси бўлган чет эл давлатининг Россия Федерациясида дипломатик ваколатхонасига ёки консуллик муассасасига чет эл фуқаросининг Россия Федерацияси ҳудудидан ташқарига маъмурий чиқарилиши ҳақида билдиради.

Россия Федерацияси ҳудудидан ташқарига маъмурий чиқарилиши лозим бўлган чет эл фуқаролари суднинг қарорига кўра ички ишлар органлари ёки хавфсизлик органларининг махсус ажратилган хоналарида ёки Россия Федерацияси субъектининг қонуни билан белгиланган тартибда тузиладиган махсус муассасада, Россия Федерацияси ҳудудидан ташқарига маъмурий чиқариб юбориш тўғрисидаги қарорнинг ижро этилишигача сақланади.

Шарҳланаётган модданинг 2-бандидаги қоидалар ушбу шахсни Россия Федерациясидан депортация қилиш кераклиги масаласини ҳал этишда, шунингдек унинг Россия Федерацияси ҳудудида вақтинча яшаши масаласини ҳал этишда ҳуқуқни қўлловчи органлар ва судлар томонидан – инсонпарварлик важларидан келиб чиқиб – отилавий ҳолати, ОИТВ-юққан чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс соғлиғининг ҳолати (шу жумладан касалликнинг клиник босқичи) ва бошқа фавқулудда, диққатга сазовор бўлган ҳолатлар ҳисобга олинишини инкор этмайди. Бунда, ҳар қандай ҳолда ушбу шахс ОИТВ-юқумли касаллиги тарқалишига йўл қўймаслик юзасидан қонунга мувофиқ белгиланган профилактика чораларига риоя қилиш мажбуриятидан озод этилмайди (Россия Федерацияси Конституциявий Судиининг 2006 йил 12 майдаги № 155-О сонли Ажрими).

Депортация қилиш зарур бўлганда ОИТС ҳудудий марказлари ёки Роспотребнадзор марказлари чет элликларни тиббий кўриқдан ўтказишнинг касаллик мавжудлиги натижалари ҳақида манфаатдор ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарларини, тегишли консулликлар ёки элчихоналарни хабардор этади.

Маъмурий ҳудудда ахборотнинг тартиби маҳаллий соғлиқни сақлаш органларининг буйруғи билан белгиланади, унда ахборотни узатишда тиббиёт сирини сақлашни таъминлаш бўйича чораларни кўзда тутилади.

5. ОИТВ касаллиги юққан фуқароларнинг жавобгарлиги турлари

Россия Федерациясининг қонунчилиги ОИТВ – юққан фуқароларнинг жиноий ва маъмурий жавобгарлигини кўзда тутди.

Россия Федерацияси Жиноий Кодексининг 122-моддасига мувофиқ: ОИТВ-юқумли касаллигини юқтириш:

1. Бошқа шахсни била туриб ОИТВ-юқумли касаллиги юқишининг хавфида қолдириш – уч йилгача муддатга озодликни чеклаш, ёки бир йилгача муддатга мажбурий ишлар, ёки олти ойгача муддатга қамоқ, ёки бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

2. Бошқа шахсга унда ушбу касаллик борлигини билган шахс томонидан ОИТВ-юқумли касаллигини юқтириш – беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

3. Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўзда тутилган, икки ва ундан ортиқ шахсларга ёки вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган қилмиш – ўн йилгача маълум лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан ёки маълум фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш билан ёки усиз, саккиз йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

4. Шахснинг ўз касбий вазифаларини тегишлича бажармаслиги оқибатида бошқа шахсга ОИТВ-юқумли касаллигини юқтириш – уч йилгача маълум лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан ёки маълум фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш билан ёки усиз беш йилгача муддатга мажбурий ишлар билан, ёки уч йилгача маълум лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан ёки маълум фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш билан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

